

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

**“ЖАҲОН ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК”  
КАФЕДРАСИ**

**404- гуруҳ IV-босқич талабаси**

**АХМЕДОВ СОБИР НОРМУРОДОВИЧНИНГ**

**«СУРХОН ВОҲСИНИНГ ПАХТА ХОМ АШЁСИГА  
АЙЛАНТИРИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ, ОҚИБАТЛАРИ  
(СУРХОН ВОҲАСИ МИСОЛИДА 1917-1940 ЙИЛЛАР)» мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ**  
**ИШИ**

**ТЕРМИЗ – 2013**

# **СУРХОН ВОҲСИНИНГ ПАХТА ХОМ АШЁСИГА АЙЛАНТИРИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ, ОҚИБАТЛАРИ (СУРХОН ВОҲАСИ МИСОЛИДА 1917-1940 ЙИЛЛАР)»**

## **РЕЖА**

**1.БОБ. Мустабид тузумнинг дастлабки йилларидаги пахтачилик масаласидаги аграр сиёсати.**

1.1.Мустабид тузумнинг дастлабки ижтимоий-иқтисодий сиёсати.

1.2. Мустабид тузумнинг дастлабки ижтимоий-иқтисодий сиёсати.

**2.БОБ. Мустабид тузумнинг пахта якка ҳокимлигини амалга ошириш жараёнидаги қатоғонлик сиёсатининг ижтимоий –сиёсий оқибатлари.**

2.1.Пахтачиликни ривожлантириш сиёсатининг амалга оширишда коммунистик мафкуранинг тайзиқи.

2.2. Мустабид тузумнинг пахтачилик ҳудудларида амалга оширган маданий-маърифий соҳадаги сиёсати ва унинг натижалари.

## **Хулоса**

**Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати**

## К И Р И Ш

**Битирув малакавий ишнинг долзарблиги.** Мустақиллик даврида тарихни объектив равишда ўрганишга, хусусан, совет мустамлакачилиги йилларида Ўзбек халқи босиб ўтган йўлни қайтадан таҳлил қилиш, шархлаш, умумлаштириш, унга ҳолисона баҳо беришга чуқур эҳтиёж сезилди. Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш умумдавлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки «Тарих хотираси, халқнинг жонажон ўлкамизнинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди».<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тарихни чуқур ўрганиш заруриятини, миллий тарихнинг юксалиш ва инқирозлик давларини мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан тушинтириш, мустамлакача чор ва Совет тузумлари сиёсати салбий оқибатларнинг барча кўрнишларини ёритиб бериш ва жамиятни маънавий-ахлоқий камол топишида унинг муҳим аҳамияти касб этишини таъкидлаб ўтган эди.<sup>2</sup> Бу вазифани бажаришда миллий ўзлигимиз ва қадриятларимизга бегона бўлган «Социализм» деб аталмиш тузумнинг халқимиз турмушига зўрлаб тиқиштирилишига қарши бўлган пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш асосида Марказни пахта толласига бўлган талаб эҳтиёжини қондириш, унинг натижа ва оқибатларини ҳолисона илмий таҳлил этиш долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон XX аср 20-40 йилларда совет ҳукуматини амалга оширган пахта хом ашё сиёсати соҳасидаги ислохотини амалга оширишга олиб келган сабаблар, унинг моҳияти ва мазмунини илмий таҳлил қилиш асосида ерга муносабат, ерни давлат мулкига айлантириш масаласидаги Марказнинг сиёсатини мақсад ва вазифаларини илмий таҳлил этиш долзарб масала ҳисобланади. Чунки бу даврда пахта толласини етиштириш учун ер-сув ислохотини амалга ошириш Сурхон воҳасида ниҳоятда зиддиятли қарама-

---

<sup>1</sup> Каримов .И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», -Т.: Ўзбекистон. 1997. –140-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». –Т.: Шарқ. 1998. 31-б.

қаршиликлардан иборат бўлиб, ушбу сиёсатни амалга оширишда совет ҳукумати зўравонликка асосланган ғояни ўзига асосий восита қилиб олди. Шунингдек, пахта хом ашёсини етиштириш мақсадида ислохотларини амалга ошириш жараёнида оддий халқни совет ҳукумати ўз сиёсий мақсадларига бўйсундириш учун турли хил ишонтириш воситаларидан фойдаланди. Ўз навбатида оддий халққа ер, қишлоқ хўжалиги меҳнат қуроллари, экин учун зарур бўлган донларни бепул бериш эвазига ўзига бўйсундириш воситасидан кенг фойдаланди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Сурхон воҳасида пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш ислохотини ўтказиш даврида аҳоли яшайдиган қишлоқларда турли хил мавзуда суҳбатлар, йиғилишлар ҳамда оммавий митинглар ташкил этилиб, оммани ўз измидан эргаштиришга ҳаракат қилди. Пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш ислохоти Сурхон воҳасида ниҳоят даражада қийин шароитда ўтиб, маҳаллий аҳоли совет ҳукумати сиёсатини ноқонуний амалга ошаётганлигини сезиб, онгли тарзда қаршилик кўрсатганлиги ҳақидаги воқеа-ҳодисалар илмий мавзунинг асосий тамойили бўлиб ҳисобланади. Пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш даврида меҳнат қуроллари, иш анжомлари ва экин донлари билан таъминланган оилаларнинг баъзи бирлари миллий манфаатларга хиёнат қилганлиги ҳамда пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш моҳиятини тушинтириб бераётган маҳаллий зиёлиларни таклиф этган ислохотларни қабул қилмаганлигининг илмий манбалар асосида таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда ушбу мавзунинг долзарблигини қуйидаги мисолларда таҳлил этиш мумкин. Тарихимизнинг ана шу аянчли саҳифаларини ёритиш, пахта хом – ашёсини таъминлаш нима учун совет ҳукумати учун муҳим стратегик аҳамиятга эга эканлиги, Марказ ўз сиёсатида марказий саноат корхоналарни пахта хом – ашёси билан таъминлашда айнан Ўзбекистонга алоҳида эътибор берганлиги, пахта монополиясини амалга оширишга қаршилик қилган ҳар қандай маҳаллий кўринидаги ҳаракатларни зудлик билан бостирганлигини ҳамда ушбу

давридаги мааҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, ва у билан боғлиқ бўлган масалалар Битирув малакавий ишнинг мавзусининг илмий таҳлилини янада мустаҳкамлайди.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида мустабид совет тизими даврида пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштиришни амалга оширишда маҳаллий аҳолининг жуда кўпчилиги оғир меҳнат, очлик, қашшоқлик, турли хил касалликлар туфайли вафот этганлиги, шунингдек, уларнинг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш ўтказишдаги фидойилиги ҳамда ушбу масалалар совет ҳукумати томонидан амалга оширган сиёсатнинг оқибатларининг туб моҳиятлари таҳлил этиб берилди. Ўзбекистоннинг советлар даври тарихидаги деярли ўрганилмаган мавзулардан бири пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш жараёнида амалга оширилган ислохатлар, пахта монополиясига қариш миллий арбоблар ва зиёлиларнинг мустабит тузимининг мустамлакачилик сиёсатига қарши олиб борган муҳолифат фаолияти ва уларнинг аянчли қисмати масаласини таҳлил этиш муҳим масалардан биридир.

Советлар ҳокимиятининг 1920-1930 йилларда халқимизнинг ўз тақдирини ўзи танлашдек қонуний ҳуқуқни поймол қилиши, мустамлакачилик сиёсатининг зўравонлик билан амалга оширилиши маҳаллий аҳолининг кенг кўламдаги норозилигини келтириб чиқарди. Дастлабки мустақил демократик давлат Туркистон Мухторияти большевиклар томонидан тугатилгач, ўлкада қуролли кураш, истиклолчилик ҳаракати бошланиб кетди. Ҳокимият органларидаги миллий раҳбар ходимлар ўз имкониятлари доирасида марказнинг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш сиёсатига қарши гоҳида ошкора, гоҳида пинхона кураш олиб бордилар. Улар ўз мақсадлари йўлида турли фирка ва уюшмаларга бирлашиб фаолият кўрсатганлар. Уларнинг миллий давлатчилик учун кураш йўлида миллий озодлик ҳаракатлари барбод бўлгач, совет ҳокимияти органлардан ишлаб, ўз мақсадлари сари фаолиятини давом эттирдилар. Совет тарихшунослигида бу кураш фақат бир

ёқлама ўрганилди ва кескин танқид қилинди. Комфирқа ҳукмонлиги шароитида бунда ўзгача бўлиши ҳам мумкин ҳам эмасди. Бугунги мустақиллик даврида бу муҳим муаммони ҳаққоний адолат мезонлари асосида тадқиқ этиш тарихшунослигимизнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди.

Советлар даврида пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш миллий истиқлол курашчиларининг муқобил ғоя ва амалиёти сохталаштирилди, уларнинг машаққатли фаолиятига ҳукуматига тўхмат қилинган, мухолифатчилар эса «аксилинқилобчилар», «халқ душманлари», «ёд унсурлар», «Буржуа миллатчилари», «Ўнг оғмачилар», «Троцкийкчизиновичилар» деган номлар билан аталиб келинди. Мустақилликка эришганимиздан кейингина мазкур масала янгича ёндошув бошланди, янгича руҳда илмий жиҳатдан ўрганиш имконияти яратилди. Бироқ бу мавзунинг бизнинг тадқиқотимиз билан боғлиқ томонлари ҳозирга қадар алоҳида Битирув малакавий ишнинг объекти бўлган эмас. Шу боис ушбу муаммо Битирув малакавий ишнинг объекти қилиб олинди.

**Битирув малакавий ишнинг даврий чегараси.** Тадқиқотнинг даврий чегараси 1917-1940 йиллар оралиғи белгиланиб, Ўзбекистоннинг Сурхондарё воҳаси мисолида пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш сиёсатини бошланиши, амалга ошириш жараёнлари, миллий камситиш, миллий хом-ашё бойликларини талон-тарож қилиш, маҳаллий аҳоли кучидан арзон бепул фойдаланиш, пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш қарши чиққанларни сургун, кўчириш, қатағон қилиш йўли билан кўрқитиш, Марказдан пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш амалга ошириш бўйича “мутахассисларни” чақириш каби масалаларни ёритиш.

**Битирув малакавий ишнинг ўрганилиш даражаси.** Тадқиқ қилинаётган мавзунинг баъзи бир масалалари ўзбек тарихшунослигида маълум даражада ёритилмоқда. Унга тегишли бўлган тадқиқотларни икки гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мумкин: биринчиси, совет ҳокимияти

йилларида яратилган асарлар; иккинчиси, мустақиллик йилларида нашр қилинган илмий тадқиқот асарлар.

Совет даврида адабиётлар ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади. 1925 йилларда яратилган асарлар биринчи гуруҳни, 1933 йилларда мустақилликга қадар бўлган даврдаги адабиётлар эса икки гуруҳни ташкил этади.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида 1920 йилларда яратилган дастлабки тадқиқотлар муаллифлари тарихчилар, иқтисодчилар ҳўжалик ходимлари ва давлат арбоблари эди. «Капитализмдан социализмга ўтиш» деб номланган даврни баҳолашга уринган муаллифлар ўша даврдаги мураккаб вазиятни акс эттириб, юз бераётган жараёнларнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилганлар.<sup>1</sup> Совет тузумининг қарор топиш жараёнини тавсифлаб берувчи асарлардан бири Г. Сафаровнинг китоби бўлиб, унда ўлканинг сиёсий -иқсодий аҳволи, чор Россияси бу ўлкани босиб олгандан кейинги вазият ва Туркистонда совет ҳокимиятининг қайтарзда ўрнатилиши ҳамда бу ерда большевиклар томонидан ўтказилган пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш сиёсати тасвирлаган.

Туркистон АССР МИК раиси Турор Рисқулов Совет ҳокимияти ўрнатилагандан кейинги аҳволининг ачинарли манзарасини тасвирлаб, «Биз ҳозир шундай пайтга етиб келдикки, ҳар куни ўн минглаб кишилар қирилиб кетмоқда ва шундай пайт келиши мумкинки бутун бир миллат йўқ бўлиб кетиши мумкин»<sup>1</sup>, деб ёзишга журъат қилган.

Жамоат арбоби Усмонхон Эшонхўжаев 1922 йилда «Туркистон» газетасида «Туркистон озодликка чиққани йўқ, ҳали бу ерда ҳамон мустамлакачилик ҳукмронлиги давом этмоқда, чинакам озодликка чиқишни ҳали-бери кутиш мумкин эмас», деб ёзганди<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> Сафаров Г. Колониальная революция (оп'ўт Туркестана). –М.: 1921. –71 с.; Борисов Н. Октябрь в Туркистане. –Т.: 1922. –84 с.; Очерки революционного движения в Средней Азии. Сборник статей. –М.: 1925. 124 с.; Рисқулов Т. Революция и коренное население Туркестана, Сборник главнейших статей, докладов, речей и тезисов, ч.1, 1917-1919 гг. –Т.: Узгосиздат. 1925. –218 с.; Мусбюро РКП(б) в Туркестане. 1,2 и 3-Туркестанские Краевие Конференции РКП(б) 1919-1920 гг. С введением тов. Рисқулова. –Т.: Узгосиздат. 1922. –88с.; Инагаов Р. Узбекская интеллигенция. –Т.: 1926.-78 с.

<sup>2</sup> Рисқулов Т. Курсатилган асар... -42 с.

<sup>3</sup> Каранг: Шамсутдинов Р. Истиклол йулида шахид кетганлар. –Т.: Шарк.2001. –372 бет

Миллий арбоб Рахимжон Иноғомов советларнинг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш мустамлакачилик сиёсатини қоралаб, «Жамият ривожига асосий куч» «пролетар диктатураси» эмас балки миллий зиёлилар бошқарувидаги маънавий меъросга эга бўлган халқ бўлиши<sup>3</sup> керак деган ғояни илгари сурган.

Хуллас, 1920 йилларда яратилган асарларда совет тузумининг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш тадбири қарши мухолиф ғояларни илгари суриш имконияти бўлганди ва юртда ўрнатилган давлат тизимини танқид остига олиш сари сезиларли ҳаракатлар қилинган. Бироқ бундай ғоялар 1930 йилларда расмий ҳукумат томонидан кескин қораланиб, уларнинг муаллифига нисбатан қатоғонлик ва сургун қилиш таъқиблар ўтказилган.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида 1930-йилларнинг бошларида совет жамиятига қарор топган тоталитар режим тарих фанига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу давр тарихий адабиётида<sup>4</sup> совет ҳокимиятининг миллий республикаларда, жумладан, Ўзбекистонда олиб борган пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш совет тузumi ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муқобил йўллари, сиёсатини акс эттирувчи фикр, ғоялар, маълумотлар учрайди.

«Ўн саккизлар гуруҳи»га мансуб миллий арбоблар Ўзбекистон Компартияси олиб бораётган сиёсатдан норозиликларни исхор этишга мажбурдирлар. Улар илгари сургун ғоялар совет даврида яратилган асарларда ўз ифодасини топмади, аксинча, у ҳар жиҳатдан қораланиб келинди. «Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихи очерклари»да «18лар» аризаси матни тўла берилган, бироқ унинг моҳияти коммунистик мафкура нуқтаи назаридан талқин қилинган. Бу гуруҳнинг чиқиши маҳаллий буржуа

---

<sup>3</sup> Инагамов Р. Курсатилган асар... -9 с

<sup>4</sup> Икромов А. Оппозиционнинг миллий масаладаги оппортунистлиги (эски Ўзбек алифбоси). -Т., Сам: Ўздавнашр. 1927. -70 б.; Ikramov A. Josipov O. Karimov A. Qasimovchilik milliy aksil inqilobchilik. -Т.: OZNASR. 1930. -40 б.; Миллатчи аксилинқилобчиларга зарба (эски Ўзбек ёзувида).-Т., Ўздавнашр. 1931. -76 б.; Usmon Yusupov, Aksil inqilobiy banditlar shaykasini batamom qirib tashlaylik. -Tashkent Ozb(b)PMQ. Partiya nashriyoti. 1937. 16 б.: Ўзбекистон коммунисти партияси тарихининг очерклари. -Т.: Ўзбекистон. 1964. -604 б.; Йўлдошев Х. Троцкизм-ленинизмнинг ашаддий душмани. -Т.: Ўзбекистон. 1978. -45 б.; Юлдашев Х. Роль Компартии Узбекистана а разгроме троцкистско-зиновьевского блока. -Т.: Ўзбекистон. 1979. -196 с. ва бошқалар

миллатчилигининг кўринишларидан бири, ғоявий-сиёсий моҳияти жиҳатдан троцкийчи-зиновьевчи муҳолифат каби иш кўрган<sup>5</sup> деган талқин илгари сурилган. Ҳ. Йўлдошев «РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг комиссияси гуруҳбозларнинг «ғайритабиий иш шароити» тўғрисидаги баёноти ҳақиқатга тўғри келмаслигини аниқлаш»га уриниб, улар ЎзКП МК раҳбарлиги ва барча партия ташкилотлари раҳбарларини кўрқитамиз, саросимага солиб кўямиз ва шу билан партиянинг муҳим халқ хўжалик вазифаларини, жумладан, пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш амалга оширишга ҳалақит берамиз, деб ўйлаган эдик»<sup>1</sup>, деб «18 лар»ни қоралади.

Совет ҳокимияти даврида хусусан Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш билан боғлиқ суғориладиган деҳқончилик ва сув хўжалиги ҳамда чўлларни ўзлаштириш соҳасида олиб борилган тадбирларни акс эттирувчи китоб ва мақолалар, таҳлил қилинаётган адабиётлар гуруҳини ташкил этади.<sup>1</sup> Пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш билан боғлиқ Сурхон-Шеробод воҳасида кўриқ ва бўз ерлар тарихини ўрганишда В.Смирнов, И.П.Парков, Г.В.Виноградов, М.Н.Рождественский, М.М.Крилов каби муаллифларнинг асарларини<sup>2</sup> қайд этиш мумкин. Бу асарлар ҳам совет ҳокимиятининг мустабид мафкураси таъсирида ёзилган бўлиб, табиийки,

---

<sup>5</sup> Қаранг. Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихининг очерклари... –177-180-бетлар

<sup>1</sup> Йўлдошев Х. Троцкизм-ленинизмнинг ашаддий душмани... –25-б

<sup>2</sup> Бушуев М.М. Вопросы мелиорации голодноостепских земель. В. кн. Отчёт о деятельности Голодноостепских рабочих с её подкомиссиями по мелиорации засоленных земель Голодной степи. –Т., 1918; Понятовский С.В. Дренажное в Голодной степи «Народное хозяйство Туркестана», 1920, №2-3; Ризенкамф Г.К. Проблема орошения Туркестана. Вып-I, Оросительная хлопковая программа. –М., 1921; Ўша муаллиф. К новому орошению Голодной степи. Отд. Главуправхоз Средней Азии. –Л., 1930; Булаевский В.Ф. Современное состояние голодноостепской ирригационной системы и ближайшие перспективы. Сельскохозяйственный сборник. –Т., 1922; Александров И.Г. Регулирование стока реки Сырдарьи и перспективы орошения в её бассейне. –М., Новая деревня, 1923; Гальцер Г.П. Письмо из Голодной степи. «Хлопковое дело», 1926, № 9-10; Ўша муаллиф, К вопросу об увеличении загрузки оросительной системы года, «Вестник ирригации», 1927; Зиядуллаев С.К. Важные вопросы строительства в освоение голодной степи. –Т., 1957; Иванов С.А. Орошение целинных земель Голодной степи. –Т., 1957; Булаевский В.П. Народное движение на освоении Голодной степи. –Фрунзе, 1962.

<sup>2</sup> Смирнов В. Орошение Голодной степи. «Народное хозяйство Казахстана», 1932, №2-3; Виноградов В.Н. Основные причины засоления земель и меры борьбы с ними. (на примере Голодной степи) –Т, 1939; Рождественский М.Н. Освоение прелогов в хлопков.районах. –Т, 1939; Парков И.П. Освоение Голодной степи. –Т., 1939; Крылов М.М. К схеме естественно-исторического районирования Голодной степи, «Известия УзФАН», 1941, №3

қатор ноҳолисликлар мавжуд. Совет тузуми даврида жанубий ҳудудларда суғорма деҳқончилик тарихи масалалари бўйича яратилган адабиётларнинг аксарияти бирёқламалиги билан ажралиб туради. Ушбу асарларга хос бўлган умумий хусусият шуки, бу асарларда кўпроқ мустабид тузумнинг аграр сиёсатини улуғлаш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни ҳаспўшлаш каби ҳолатлар устун туради. Лекин бир қатор тадқиқотчилар асарларида, шу жумладан, 4 жилдлик «Ўзбекистон ирригацияси»<sup>1</sup> асари кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур асарда ирригация соҳасидаги йирик, илмий тадқиқот институтларининг, муҳандис ва ирригаторларнинг, катта-йирик сув омборлари қурилишида раҳбарлик қилган кишиларнинг фаолияти, шунингдек, Ўзбекистонда ирригация ишлари пайдо бўлган пайтдан то XX асрнинг 80-йилларигача бўлган давр ирригацияси тарихи тадқиқ этилган.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида 1970-1980 йилларда асосан пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш амалга ошириш жараёнида Сурхон-Шеробод воҳаси тарихига оид бир қанча рисола ва монографиялар яратилди.<sup>2</sup> Профессор И.Холиқовнинг монографиясида пахтачиликнинг ривож билан боғлиқ ҳаракатлар натижасида Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштириш, суғориш тизими ва қурилишига оид ҳамда сув омборлар, каналларнинг қурилиши билан боғлиқ бўлган маълумотлар тақдим этилган. Бу ўринда З.У.Чориевнинг «Ривожланган социализм даврида Сурхон-Шеробод воҳаси кўриқ ерларини ўзлаштириш тарихи» номли тадқиқоти эътиборга лойиқ.<sup>3</sup> Унда муаллифнинг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш туфайли Сурхон-Шеробод воҳасининг ўзига хос томонларини ишончли манбалар асосида ёритишга ҳаракат қилганлар.

---

<sup>1</sup> Ирригация Узбекистана. В 4-х томах. -Т., 1975-1979-1981 гг.

<sup>2</sup> Халиков И. История орошения и поливного земледелия в Сурхан-Шерабадской долине. -Т. «Фан», 1977. стр-102; Борьба трудящихся республик Средней Азии за орошение крупных целинных массивов. -Т., «Фан», 1982 г. 158 с.

<sup>3</sup> Чориев З.У. «Ривожланган социализм даврида Сурхон-Шеробод воҳаси кўриқ ерларини ўзлаштириш тарихи» Т., «Ўзбекистон», 1983.

1980 йиллар ўрталаридаги қайта қуриш ва ошкоралик тарихшуносликда ҳам ўз аксини топди. 1989 йил 15-16-ноябрда Тарих институтида «Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Октябрь инқилоби: назария, муаммолар, ўрганиш истиқболлари» мавзуида республика илмий конференцияси ўтказилди. Р.Ё. Ражапова Ватан тарихшунослигида биринчилардан бўлиб Туркистон мухториятида пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш назарий ва методологик асослари ҳақида янгича фикрларни илгари сурди.<sup>2</sup> Тўпландан жой олган Р.А. Нуруллин, И.А. Алимов, Ф.Ҳ.Қосимов, Р.М. Абдуллаев, С. Аъзамхўжаев, М.Қ. Ҳасанов, Р.Т. Шамсутдиновларнинг илмий мақолаларида<sup>3</sup> октябрь тўнтарилиши натижасида пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш ва унга маҳаллий ташкилотлар муносабати, Мусулмон советлари, Туркистон мухторият ҳукумати, амалга оширилган пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш миллий муҳолифат кучлари таъсири каби масалалар янгича талқин этилди. Мустақилликка эришиш арафасида эълон қилинган бир қатор китоблар ва илмий мақолаларда<sup>4</sup> Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихига оид кўплаб янги фикр-ғоялар илгари сурилди. Масалан, «18лар гуруҳи» ҳақида Ж. Зайченко дастлабки соғлом фикрларни билдирди. Бироқ у ҳам масала бир томонлама ёндошиб, «18лар гуруҳи» аъзоларининг ер-сув ислохотида бўлган муносабати таҳлил этилган.<sup>5</sup>

Мустақиллик йилларида мустабид тузум даврини ва унинг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш фожиаи саҳифаларни ўрганиш борасида муайян ижобий силжишлар юз берди, миллий истиқлол мафкура руҳида ёзилган китоблар<sup>1</sup>, илмий мақолалар<sup>2</sup>,

---

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане теория, проблемы, перспективы изучения. // Отв. Ред. Р.Я. Раджапова –Т.Фан. 1991. 8-32 с.

<sup>3</sup> Қаранг: Октябрьская революция... с. 225-238, 239-249, 117-186, 186-196, 94-101, 102-116, 159-176, 132-147.

<sup>4</sup> Инқилоб жангчилари. –Т.: Ўзбекистон. 1990. –124 б. Революция призванный. Т.: Ўзбекистон. 1991. 114 с.; Шамсутдинов Р.Т. Жасоратларга тыла ҳаёт соҳиби. –Андижон: 1991. 104 б.; Зайченко Ж.А. Бир ариза тарихидан.//Инсон ва сиёсат. 1991 й. №1. 90-96 бетлар.; Ражабов Қ. Ленин билан баҳслашганлар. // Саодат. 1991 й. № 4, 5., –14-18 бетлар.

<sup>1</sup> Қаранг. Ж. Зайченко. Бир ариза тарихидан... 90-96 бетлар.

<sup>2</sup> Шамсутдинов Р.Т. Жертвы репрессии-Андижан: Мерос 1994.-98 с; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда

Ўзбекистон тарихига оид фундаментал тадқиқотлар<sup>3</sup> ва дарсликлар<sup>4</sup> чоп этилди. Уларда совет ҳокимиятини пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш амалга ошириш ҳаракати ва фаолиятининг айрим қирралари очиқ берилди. Жумладан, 2000 йилда ЎзФА Тарих институти томонидан нашр этилган фундаментал тадқиқотда<sup>5</sup> илк марта 1921-1924 йилларда совет ҳокимиятининг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш сиёсати, унинг Марказ манфаатларидан келиб чиқиб, амалга оширган ҳаракатлари ўз ифодасини топган. Шунингдек, Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш ташкил этиш, амалга ошириш, уни тўлиқ яқунлаш борасидаги ҳаракатлар таҳлил қилиб берилди.<sup>6</sup>

Мустақиллик йилларида яратилган тарихий адабиётларда ва дарсликларда ҳам пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш ҳақида етарли маълумотлар ҳолисона таҳлил этилмоқда. Профессор Р.Т. Шамсутдиновнинг асарларида<sup>7</sup> ҳамда 1998 йилда нашр этилган «Ватан тарихи»<sup>8</sup> ўқув қўлланмасида пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш натижаларини ёритишга ҳаракат қилинган. Аммо масаланинг асл моҳияти очиқ берилмаган. Нортажигитова

---

советларнинг қулоқлашириш сиёсати ва унинг фожиаи оқибатлари. Т.: Шарқ, 2001.-368 с.; Ўша муаллиф. Истиклол йулларида шаҳид кетганлар. Т.: Шарқ, 2001. -416 б.; Турдиев Шерали. Улар Германияга Ўқиган эдилар. Т.: Фан. 1991. 98 б.; Қиличев Файзулло. Зулматдан садолар. Т.: Адолат. 1994. 160 б.; Узоқов Х. Қалблар нидоси. Иккинчи китб. -Т.: Адолат. 1997. 200 б.; Ахророва Х. Истиклол фидойилари. Изларини изламайман. -Т.: Шарқ, 1998. 176 б.; Қор қўйнидаги лолалар. Т.: Академия. 2001. 213 б.

<sup>3</sup> Ражабов К. Турор Рискуловнинг таржимаи холи // Саодат. 1992. №3-4, 5-6. 12-14, 18020 б.; Ўша муаллиф. Оммавий қатағонлик сиёсати. //Туркистон газетаси. 24-27 октябрь; Зиёева Д. Туркистон мустақиллиги учун кураш масалалари. 20-30 йиллар талқинида, // Ўзбекистон ижтимоий фанлар. 1998. №1. 67-73 б.; Ўша муаллиф. Сохта ва чин ҳақиқатлар. // Тафаккур. 1998. №3 64-69 б.; Холбоев С. Мунаввар қори. // Мулоқот

<sup>4</sup> Жадидчилик ислохот, янгилаш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. -Т.: Университет. 1999. -220 б.; Ўзбекистон тарихини долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам №2. Т.: Шарқ. 1999. 208 б.; Тарих шохидлиги в сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларини ўзлаштирилиши. -Т.: Шарқ. 2001. -464 б ва бошқалар.

<sup>5</sup> Ражабов Р.Ё. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917-1993) 10 синф учун дарслик. -Т.: Шарқ. 2000. -416 б.;Алимова Д.А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи (1917-1991) 10-синф учун дарслик.-Т: Шарқ. 2000.-416 б.; Алимова Д.А. и др История Узбекистана (1917-1991). Учебник для 10 классов.- Т:Шарқ.

<sup>6</sup> Туркистон в начале XX века истоков национальной независимости. -Т.: Шарқ. 2000. 672 с.

<sup>7</sup> Каранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида ( тузувчилар Жураев М., Нуруллин Р ва бошқалар).-Т.: Шарқ. 2000-161-302 б

<sup>1</sup> Каранг: Шамсутдинов Р. Жасоратларга тула ҳаёт соҳиби., 80-84 бетлар, Истиклол йўлида шаҳид кетганлар...-54-158,273-278-бетлар.

<sup>2</sup> Каранг: ШамсутдиновР. Каримов Ш.Ватан тарихи... 397-398- бетлар.

мақоласида<sup>9</sup> пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш фаолиятига умумий обзор берилган, лекин пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш қаршилик кўрсатган ёки бу сиёсатдан норози бўлган маҳаллий зиёлиларнинг фаолияти ёритилмай, улар қатағон қилинган миллий раҳбар ходимлар сифатида талқин этилган. Мазкур муаллифнинг яна бир мақоласида<sup>10</sup> пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш ҳуқуқ-тартибот органларидаги муҳолифат кучларининг фаолити ва уларга нисбатан қўлланган қатағонлик сиёсатининг айрим қирралари ёритилган. Аммо тадқиқотчининг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш ҳақида билдирган фикр-мулоҳазаларига, айниқса қатағон қилинган махбусларнинг ўз «айблари»ни яшириш, ниқоблаш маъносида вазият, қийноқ азоблар ҳолатида берган кўрсатмаларини асос қилиб, Истиқлол йилларида нашр этилган тарихий асарларда<sup>2</sup> бу ташкилотнинг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш ўтказилганидан кейинги фаолиятининг айрим масалалари ёритилган.

Х.М. Қуллиев эса, Туркистонда мустабид тузумнинг иқтисодий ва маънавий асосларининг юзага келишини тасвирлаган бироқ бу тарихий жараёнда пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш нисбатан миллий раҳбар ходимларининг муносабати ўз аксини топган. М.М. Ҳайдаров совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсати ва унинг салбий оқибатларини тадқиқ этиб, пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш миллий раҳбарнинг бу жараёнда муносабатларини ёритишга ҳаракат қилган.

---

<sup>3</sup> Норжигитова Н. «18 лар» гуруҳи //Фан ва турмуш. 2001 й. № 5-6.-206.

<sup>4</sup> Норжигитова Н. «Қосимовчилик» ёхуд ҳуқуқ-тартибот тизими ходимларининг қатағон қилиниши хусусида. // Қонун химоясида. 2001. №10. 19-21-б.

<sup>4</sup> Турсунов И., Холбоев С. Миллий истиқлол. // Ишонч,1997 йил 18 февраль; Шамсутдинов Р. Каримов Ш.Ватан тарихи. Иккинчи китоб... 291-296- б.; Ахророва Х. Изларини излайман...176б.; Жадидчилик: ислохот, янгилаш, мустақиллик ва таракқиёт учун кураш...201-216б.;Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). / Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи С. Холбоев.-Т.:Шарқ. 2001.-128 б; Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар...-416 б.; Салимжон Тиллахонов. Хотиралар. // Шарқ Юлдузи.2002. Биринчи фасл.147-151б. / Нашрга тайёрловчи Сирожиддин Аҳмад.; Мунаввар қори Абдурахмонов. Танланган асарлар.-Т.: Маънавият. 2003-304б.; Н. Каримов,К . Ражабов «Миллий иттиҳод». Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.-Т.: 2003.5-жилд. 661-662 б.

Мустақиллик йилларида Сурхон воҳаси тарихига оид муҳим илмий монографиялар нашр этилди, жумладан Рўзиев А.Н. “Сурхондарё вилояти”, С.Турсунов ва бошқалар (ҳаммуалифликда) “Сурхондарё тарих кўзгусида”, “Сурхондарё тарихи” (ҳаммуалифликда), С.Турсуновнинг “Сурхондарё вилояти тарихини ўрганиш”, “Ўзбекистон тарихи ва маданияти-Сурхондарё этнографияси”, “Шерободликлар”, «Жарқўрғон», “Денов” “Сурхондарё вилояти топонимлари” каби монографияларда Сурхон воҳасида пахтачилик билан боғлиқ жараёнлар илмий таҳлил қилинган<sup>1</sup>.

1920-1930 йиллардаги тарихий жараён хориж адабиётларида ҳам маълум даражада ўрганилган.<sup>1</sup> Бу тадқиқотларда 1920-1930 йилларда Ўзбекистондаги совет ҳокимияти юритаётган пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш сиёсатига қарши муқобил ғоялар билан курашган аксинқилобий ҳаракатларнинг айрим томонлари ёритилган. Совет тузуми даврида пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш сиёсатига қарши эрк, озодлик ва истиқлол учун олиб борилган ҳаракатлар тадқиқотчилар диққатидан четда қолиб кетган. Натижадла ҳозирга қадар нашр этилаётган баъзи асарларда совет тузумига қарши ҳаракатларга эскича қараш сақланиб қолмоқда. Масалан, 1996 йилда Алмати шаҳрида нашр этилган монографияда<sup>2</sup> Турор Рисқулов, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Раҳимов Иноғомов каби миллий зиёлилар «буржуа миллатчилари», «бузғунчилар» деб қоралаш билан бир қаторда совет ҳукумати томонидан амалга оширилга пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш туб моҳияти, оқибатлари ва натижалари ҳақида ҳолисона фикрлар берилмаган. Тожикистондаги айрим адабиётларда

---

<sup>1</sup> Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти.-Т., «Жайхун», 1996, 116 б.. Турсунов С. Сурхондарё тарих кўзгусида. (ҳамкорликда)-Т., «Шарқ» 2001, 383 б; Турсунов С. Сурхондарё тарихи (ҳамкорликда)-Т., «Шарқ» 2004; 605 б, унинг Ўзи «Шерободликлар»-Т., «А.Навоий миллий кутубхонаси». 2007, 385 б; Турсунов С «Ўзбекистон тарихи ва маданияти-Сурхондарё этнографияси»-Т., «А.Навоий миллий кутубхонаси», 2006, 267 б; Турсунов С, Тўхтаев А. «Жарқўрғон»-Т., «Фан» 2008. 303 б; “Денов” -“Фан” 2009, 501 б.

<sup>2</sup> Cokay M. Turkestanda con teror mesulleri || Yash Turkistan.1935.-64 s.; A.Z.V. Togan « Bugunku Turk ili Nurkistan ve yakin tarihi».- Istanbul: 1981.-134 s.; Dr. Baymirza Hayit. « BASMACILAR» Turkistan Milli Mucadele Tarihi (1917-1934)- Ankara: 1997,-644 s.; Oktay. Turkistanda yashirin milli uyushmalari. || Yash Turkistan.1936.-75 s.; Yassavi.S. Turkistan acciq haqiqatlari. 2- daski ( араб имлосида узбек тилида).- Istanbul: 1984.-234 s. ва бошқалар.

<sup>3</sup> Устинов В.Н. Турар Рискулов. Очерки политической биографии.-Алмати: Казахстан. 1996.-447-455 с.

пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш амалга оширишда совет ҳукумати олиб борган сиёсатига норозилик билдирган ва унга қарши чиққан курашчиларни «босмачилик»-аксилинқилобий кучлар деб талқин этилган.<sup>3</sup>

Биз айна шу ҳолатдан келиб чиқиб, XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш ва унинг мустамлакачилик сиёсати моҳиятини теран англаган зиёлилар ва миллий арбобларимизнинг муҳолифат ҳаракати ва унинг аянчли қисмати, шунингдек халқимиз босиб ўтган тарихини ҳолисона изчил ўрганишни илмий тадқиқот объекти қилиб олдик.

**Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари.** Тадқиқ этилаётган мавзуларнинг муҳимлиги ва долзарблиги, ўзбек тарихшунослиги ривожининг ҳозирги босқичидан келиб чиқиб тамоман янги, илмий муомалага киритилмаган архив ҳужжатлари, манбалар, фактик материалларни таҳлил этиш асосида Ўзбекистонда XX асрнинг 20-30 йилларида Сурхондарё воҳаси мисолида совет ҳукуматининг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш мавжуд бўлган муаммо, унинг натижаларини таҳлил этиш жараёнида Ўзбекистон тарихидаги мавжуд бўшлиқни Сурхон воҳаси мисолида талқин этишни асосий мақсад қилиб олинди. Шунингдек совет ҳукуматининг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш амалга ошириш жараёнидаги зўравонлик сиёсатига қарши миллий муҳолифат ҳаракати ва унинг қисматини илмий жиҳатдан таҳлил этиш ва шу асосида айрим назарий хулосалар беришдан иборат мақсад белгиланди ва унга эришиш учун қуйидаги вазифалар кўйилди:

- совет ҳукуматининг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш амалга ошириш жараёнида вужудга келган тарихий шароитнинг сабабларини кўрсатиш;

---

<sup>1</sup> Хайдаров Г.Х. История таджикского народа: XX век.-Хуҷанд; 2001.-85-191с.

-Ўзбекистонда совет тузумининг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш амалга ошириш жараёнини қандай кечган бўлса, шундайлигича ҳаққоний ёритиш;

- совет ҳукуматининг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш қарши миллий муҳолифат ва унинг асл моҳиятини очиб бериш;

- пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш амалга ошириш жараёнида совет ҳукумати томонидан қўлланилган тадбирларнинг асосий мақсади, моҳияти билан боғлиқ тарихий воқеа-ҳодисаларни тадқиқ этиш;

- совет ҳукуматининг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш даврида моддий техник таъминот масаласида амалга оширилган сиёсатнинг натижалари ва бундан кўзланган мақсаднинг асли моҳиятини кўрсатиш;

- пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш амалга ошириш даврида совет ҳукуматининг зўравонлик сиёсати, сургун, кўчириш ва қатағонлик билан боғлиқ таҳдидни асл моҳиятини очиб бериш;

- пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш бўйича совет ҳукуматининг мақсад ва манфаатларига қарши маҳаллий зиёлиларнинг муносабатини ёритиш;

- Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш сиёсатиға қарши ошқора ва яширин фаолият кўрсаган гуруҳлар фаолиятин тадқиқ этиш;

-1920-1930-йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш даврида амалга оширилган ишларнинг натижаларидан хулоса чиқариш асосида коммунистик мафкурани асл моҳиятини ҳолисона ёритиб бериш.

**Битирув малакавий ишнинг янгилиги.** Битирув малакавий иши Ватан тарихшунослигида биринчи марта Ўзбекистоннинг Сурхон воҳаси мисолида 1920-1930-йилларда пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш амалга ошириш масаласида совет ҳукуматининг

сиёсати ва унинг натижалари ва оқибатлари, мустабид тузумни зўравонлик билан амалга оширган пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш қарши миллий муҳолифат ҳаракати ва уларнинг фожеали қисмати миллий истиқлол мафкураси ва ҳозирги замон илмий металогиya талаблари нуқтаи назаридан тадқиқ қилинди. Ҳозиргача chop этилган китоблар, мақолалар ва бошқа тадқиқот ишларида Ўзбекистонда муқобил ғоялар билан қуролланган миллий муҳолифат ҳаракати фаолияти махсус ўрганилмаган.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида тайёрлаш натижасида эришилган асосий янгиликлар қўйидагилардан иборат:

-ўрганилган мавзу мустақил Ўзбекистон Республикасида аграр сиёсат билан боғлиқ ислохотларни тарихий тараққиёт асосида босқичма-босқич натижаларни ўрганиш асосида маънавий-маърифий кадрятларини тиклаш борасида қўйилаётган талабларга, миллий истиқлол мафкурасида мос равишда ва унинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этишга ҳаракат қилинди;

-совет ҳокимиятининг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш соҳасида амалга оширилган ишларга муносабат, унинг натижа ва оқибатларини ўрганиш асосида аграр соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда ушбу пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш заминида совет ҳукумати томонидан амалга оширилган зўравонлик сиёсатининг асл моҳиятини архив хужатлари асосида илк марта тадқиқ этилди;

- пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш амалга оширишда совет ҳукумати томонидан юритилган сиёсатнинг асл моҳияти, бир томонлама мафкуравий ғояси, шунингдек маҳаллий аҳолини миллий камситиш ҳамда миллий раҳбар ходимларнинг ҳокимият тизимида фаолият олиб боришлари чек қўйиш мақсадида атайин уюштирилган катағонлар аниқланди, уларнинг фожеали қисмати ўрганилди;

-совет ҳукуматининг Ўзбекистонда амалга оширган пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш сиёсатиға қарши кураш «катта террор» авж олинган йилларда ҳам олиб борилганлиги ҳаққоний равишда кўрсатиб берилди;

-тадқиқотни тайёрлаш жараёнида ўрганилган бир қанча архив ҳужжатлари, мавзу доир маълумотлар, рақамлар, далиллар илмий ҳужжатдан тавсифланиб, илк марта илмий муомалаға киритилди.

**Битирув малакавий ишнинг назарий-методологик асослари.** Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг устивор тамойиллари, мақсад ва вазифалари ғоявий асос қилиб олинди. Айни пайтда тадқиқотда ўрганилаётган муаммони тўғри ҳал этиш илмий билимнинг холислик, тарихийлик, тизимлилик ва ривожланиш каби принципларига ҳам амал қилинди. Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнидаги объективлик-холислик принципини фойдаланган ҳужжатлар-материалларнинг ўзига хослигини сақлаш, муҳолифат ҳаракати фаолиятини айнан мана шу ҳужжатларға асосланиб ёритиш орқали реал воқеаларни тасвирлашда кўринади.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари, маъруза ва нутқларида, давлат ва ҳукумат қарорларида илгари методологик, илмий назарий, маънавий-маърифий аҳамиятиға молик бўлган фикр-ғоялар, дастурий концептуал, назарий-методологик кўрсатмалар асос қилиб олинди. Хусусан, И.А.Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келжак йўқ» асарида илгари сурилган фикр-ғоялар, 1999 йил 2 феввалида «Туркистон» газетаси муҳбирининг саволларига берган жавоблари, “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларидан тарихий ҳақида баён қилиб берилган кўпдан-кўп концептуал, янгича талқинлари тадқиқотнинг назарий базасида муҳим ўрин эгаллади. Шунингдек, тарихға янгича ёндошув хорижлик тадқиқотчилар<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Любсен Февр.Бои за историю.-М.: Наука. 1991.; Тойнби А.Дж. Постижение истории.-М.: Прогресс. 1991.

томонидан ҳам амалга оширилган бўлиб, уларни тарихини ёритиш методологиясида ҳам фойдаланилди.

**Битирув малакавий ишнинг манбавий базасини** эълон қилинган ҳужжатлар<sup>2</sup>, архив материаллари, ўша давр матбуоти ва хотиралар ташкил этади. Кенг кўламдаги материалларини Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Сурхондарё вилоят давлат архиви жамғармаларидаги XX асрнинг 20-30 йилларига доир ҳужжатлар ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг 17-фонди, Р-86 фонди, 1714-фонди ҳужжатларида унумли фойдаланилди.

Тадқиқот 1920-1930 йилларда Ўзбек (лотин алифбосида) ва рус тилларида нашр этилган «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» газеталарида ҳам фойдаланилади.

Тадқиқотда Аҳмад Закий Валидий<sup>3</sup>, Мунаввар Қори<sup>4</sup>, Салимхон Тиллахонов<sup>5</sup>ларнинг наҳр қилинган хотиралари, миллий муҳолифат ҳаракатининг фаол аъзоларининг хотиралар ҳам муҳим роль ўйнайди.

**Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти** шундаки, изланиш натижасида вужудга келган маълумотлар, хулосалар ва умумлаштиришлар Ўзбекистонда совет ҳукуматининг пахтачиликни ривожлантириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш ва унинг натижалари Сурхон воҳаси мисолида илмий таҳлил этилиб, бу даврга оид воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ манбалар илк бор ҳолисони ўрганилди. Тўпланган турли ҳужжатлардан, маълумотлардан, Битирув малакавий ишнинг хулосаларида таълимнинг барча босқичларида ўқув тарбия мақсадларида фойдаланиш мумкин. Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида материалларидан олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар ва ўрта

---

<sup>2</sup> Прозив правой оппозиции ( Сборник материалов).-Самарканд-Ташкент. УзГИЗ. 1929. –120.; Катанян Р.П. Против Касимова-против касимовчилик. Речь государственного обвинителя по делу суд. Работников Уз-на.-Т.: Узгиз. 1931. –125 с.; Уша муаллиф. Бедретдиновхона. –Т.: Узгиз. 1933. -120

<sup>3</sup> Ахмад Закий Валидий Тугон. Бўлинганни бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан: Хотиралар // Бошқирд тилидан Шерали Турдиев таржимаси.-Т.: Адолат. 1997. 280 б.

<sup>4</sup> Мунаввар қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан; Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар.

<sup>5</sup> Салимов Тиллахон. Хотиралар. //Шарк Юлдузи. 2002. Биринчи фасл. –147-151 б. Нашрга тайёрловчи Сирожиiddин Ахмад

мактабларда Ватанимиз тарихини ўқитишда ва дарсликлар тайёрлашда фойдаланса бўлади. Шунингдек, у университетлар тарих факультетларида олиб борилаётган махсус курс, махсус семинар учун ҳам ўрганиш объективи бўлиши мумкин. Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида натижаларидан «Ўзбекистон тарихи Давлат музейи», «Қатағон қурбонлари хотираси музейи» ва вилоятимиздаги Ўлкашунослик музейларида, шунингдек, «Қатағон қурбонлари» хотираси китобига қатағон қилинган юртдошларимиз номини аниқлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

# **1.БОБ.Мустабид тузумнинг дастлабки йилларидаги пахтачилик масаласидаги аграр сиёсати.**

## **1.1.Мустабид тузумнинг дастлабки ижтимоий-иқтисодий сиёсати.**

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида совет давридаги Ўзбекистоннинг тарихи энг мураккаб ва зиддиятли, оғир йўқотишлар ва талофатлар, фожиали воқеаларга бой, ўтган ота-боболаримиз юрт озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган қаҳрамонона курашлари, мағлубиятлари ва зарарлари, фидокорона меҳнатлари саҳифаларидан ташкил топган. Бироқ, совет тузumi даврида «Миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри ҳазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, яна қанча-қанча гудаклар етим қолганини тарих, бугун ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди»<sup>1</sup>

Советлар даврида катта фожиа тусини олган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёнида бадавлат деҳқон хўжаликларининг тугатилиши, «Қулоқ» қилинган деҳқонларнинг оила аъзолари билан бегона юртларда мажбурий сургун қилиниши ва бундай сиёсатнинг мудҳиш оқибатларини холис ва ҳаққоний ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида 1920-1940 йилларда амалга оширилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёнини Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятида ўзига хос ва оғир шароитларда ўтди. Чунки бу вилоятлар республиканинг бошқа ҳудудларидан фарқли равишда Чор Россияси мустамлакачилигини ўз бошидан кечирмаган, совет режими эса 1920 йилларда ўрнатилган ва ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳамда демографик жараёнлардан ҳам ўзига хос хусусиятларига эга эди. Ана шу ҳолатларда коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш компанияларини ўтказишда ўз таъсирини кўрсатди. Аммо бу тарихий жараён бўйича советлар даврида ҳеч қандай тадқиқот ишлари олиб борилмади, бу мавзуга совет ҳуқуқронлиги даврида эҳтиёж ҳам,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2001 йил 1 майда қабул қилган «Қатағонлик қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги қароридан // Халқ сузи. –2001. 2май

зарурият ҳам сезилмади. Мавзунинг долзарблиги, аввало, Ватанимиз тарихидаги Ўзбек деҳқонларининг пахтачиликни ривожлантириш бўйича совет ҳукуматининг ислоҳатларни амалга ошириш жараёнидаги аҳволи, пахта хом – ашёсини тайёрлаш билан боғлиқ ер – сув ислоҳатлари, маҳаллий аҳолидан ер ва мол – мулкни тортиб олиш билан боғлиқ жараёнларни таҳлил этиш муҳим масала қилиб олинган. Шунингдек, Сурхондарё вилоятидан Шимолий Кавказ сургун қилинган юртдошларнинг ҳаёти ва аянчли қисматини тадқиқ этиш илмий ва амалий касб этади.

Совет ҳокимияти Октябр тўнтарилишининг дастлабки кунларидан бошлаб, хусусий мулкни бекор қилиб, «Ер тўғрисида» ги декретни қабул қилди. Ерга бўлган хусусий мулкчилик тугатилиб, «Ер комитетлари» орқали қишлоқ хўжалигини бошқаришга ўтди. Иқтисодий қолоқлик, ғавқулда ҳокимиятнинг бошқарув тизими ҳамда «Ҳарбий коммунизм сиёсати»га ўтилиши натижасида хўжалик юритишнинг ҳарбийча тартибга тушиши маҳаллий аҳолининг ҳаётида жиддий қийинчиликларни келтириб чиқарди. Пахта монополияси билан боғлиқ меҳнат мажбуриятларининг тинимсиз оширилиши, Марказ топширғи асосида пахта хом - ашёсини етказиб бериш масаласида совет ҳукуматининг ўзбошимчалик ва зўравонлик сиёсати, аҳолининг норозилиги ва мавжуд тузумга қарши курашга чиқишига сабаб бўлди. Фуқаролар уруши йилларида Сурхон-Шеробод воҳасидаги ирригация ва мелиорация ишлари издан чиқди, кўпгина сув иншоотлари бузилиб, ариқ ва каналларни ўтказиш деярли камайиб, суғориладиган ерларнинг кўпи қишлоқ хўжалик тармоғида яроқсиз ҳолга келиб қолди. 1920-йиллардаги фуқаролар уруши даврида пахта етиштириш масаласида меҳнат мажбуриятларининг ҳаддан ташқари кўплиги халқнинг деҳқончилик ва суғориш ишларига бўлган муносабатини кескин ўзгартирди. Ерга ва сувга нисбатан хусусий мулкчиликнинг бекор қилиниши натижасида пахта таъминотининг асосини ташкил этувчи суғориш тизими издан чиқиб, канал ва ариқларни тозалаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Фуқаролар урушидан кейин Сурхон-Шеробод воҳасида пахта экинлари учун муҳим ҳисобланган ирригация ва мелиорация ишлари тикланиб, пахтачиликка

мулжалланган жамоа хўжаликларининг ташкил этилиши натижасида бу соҳага алоҳида эътибор берилди бошланди. Миллий давлат чегараланиши вақтида, Сурхон-Шеробод воҳасида суғориладиган ерлардан фақат 63 минг десятина ерга пахта экинлари учун деҳқончилик қилинар эди.<sup>1</sup>

1925 йил январда Совет ҳукумати пахтага бўлган талабни қондириш мақсадида Сурхондарё округини ташкил этиб, унинг ихтиёрига 62,129 минг десятина ер майдонини ажратди. Ушбу пахта экишга мулжалланган ер майдонининг 52,5 минг десятинаси суғоришга яроқли эди. Округ ташкил этилган даврда пахтага бўлган талабни қондириш учун ўртача бир омовга 2,72 десятина ер, бир баронага 9,49, бир кетмон ва белга 2,3, бир ўроққа 1,70 десятини ер тўғри келган.<sup>2</sup> 1925 йилдан бошлаб Совет ҳукуматининг ер-сув ислоҳоти туфайли Сурхон воҳасида Марказ кўрсатмасининг режаси асосида тезлик билан пахта экин майдонларни кўпайтириш учун суғориш тизимини ҳашар йўли билан тиклаш, янги сув иншоотларини қуриш, сув таъминотини яхшилаш борасида амалий ишлар қилина бошланди. Шеробод тумани кишлоқ хўжалиги учун қулай бўлганлиги туфайли 1926 йил 1 апрелдан бошлаб Кўшчи уюшмалари тузиш тезлашди ва пахта, мева, сабзавот етиштирувчи хўжаликларнинг иқтисодий қудрати ошиб борди. Марказий саноат корхоналарни пахтага бўлган талабини таъминлаш мақсадида пахтани бирламчи қайта ишловчи саноат корхоналарни зудлик билан қуриш, заводларга пахтани ўз вақтида етказиб бериш учун йўллар қуриш, пахта жамлайдиган майдончаларни ишга тушуришга жадал эътибор берилди. Натижада, 1924-1927 йилларда Шеробод-Термиз, Шеробод-Денов, Шеробод-Ғузор тош йўлларини қуриш бошланиб, маҳаллий саноатга ҳам эътибор берилди бошланди<sup>3</sup>. 1928 йил Қорасув дарёсидан ўтувчи кўприк қурилди. Умуман, 1928 йил бошларида келганда Шерободда 318 та турли хил, ёғ-жувоз, мато-бўз, этикдўзлик, темирчилик, қандолатчилик, сопол-кўза каби ҳунармандчилик устахонлари мавжуд эди. 1920 йиллар охирига

---

<sup>1</sup> Сурхондарё ВДА, 18-жамғарма, 1-рўйхат, 92-иш, 112-варак.

<sup>2</sup> Ленин байроғи, 1969, 25 ноябрь.

<sup>3</sup> Турсунов С.Н. Қобилов Э.О. Пардаев Т.Р.Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида -Т., «Шарқ» 2001 й.313-377 бет.

келиб ҳам очик, қашшоқлик бартараф этилмагани натижасида Шерободдаги жами аҳолининг 51,2% оғир қийинчиликни бошдан кечирмоқда эди. Пахта етиштиришни кўпайтириш учун янги ерларни ўзлаштириш имконияти бўлмаган дастлабки йилларда советлар ҳукумат ўзига тўқ ва ўрта ҳол деҳқонларни ерларни тортиб олиш, камбағал деҳқонлар кучи билан бепул ишчи кучини шакллантириш туфайли пахта экинларни экиш ва йиғиштириб олишга ҳаракат қилди. Ҳатто пахта етиштиришдаги совет ҳукуматининг ноҳақ сиёсатини тушуниб этган маҳаллий бойлар ҳамда ўрта ҳол деҳқонлар ўз хоҳишлари билан ўзларни ерларни бепул совет ҳукуматига топширдилар, чунки акс ҳолда қатоғон ёки сургун қилинишдан сақланиш учун ўз мол – мулкларни ўз истаклари билан совет ҳукумат ихтёрига топширдилар. Масалан, шерободлик йирик бой ўғли А. Тўқсабоев шулар жумдасидандир. Кўпгина ўқимишли софдил кишилар бу масалада иштирок этиш истагини билдирдилар<sup>1</sup>. Лекин 1926 йилдан бошлаб кучайган Станлинча социализм куриш режаси бошқа жойларда бўлгани каби Сурхон воҳасида ҳам оғир кўчди. Кўплаб маҳаллий миллат вакиллари ва фаол кишилар қамоққа олиниб тухмат йўли билан қириб ташланди ёки қийноқ остига олиниб бошқа жойларга сургун қилинди. Айниқса тозалаш вақтида деярли кўзга кўринган, ҳақиқий меҳнаткаш, ўзига тўқ кишилар аёвсиз жазога тортилди. Уларни ўрнига ўша даврда ишончли ҳисобланган ёт миллат вакиллари олиб келинди. Шерободлик ҳақиқий ўқимишли, пахта илмини биладиган, иқтисодий хўжалик юритишни жуда яхши билган Норбоев Турсун гўёки босмачиларга қурол етказиб беришда айбланиб бўхтон тамғаси билан тухматга қолиб, қаттиқ қийнов орқали касаллик билан бевақт вафот этди. Норбоев Турсун ўз меҳнати, тиришқоқлиги билан оқсақол номига сазовор бўлиб, Сурхондарё округи бошқармасининг иқтисодий ва молиявий масалалари бўйича ўринбосари даражасига етган эди. Бундай кишилар ниҳоятда кўп бўлиб, уларнинг ҳаммаси турли йўللар билан жазоланади<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. Т., 2001. – Б. 143.

<sup>2</sup> Қобилов Э.О. Сурхондарё саноатининг илк одимлари.-Термиз.; «Жайхун», 1993 й. 114 -б.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида 1926 йил 13 декабрда Шерободда Совет ҳукуматнинг махсус топширғи асосида пахта етиштиришни кўпайтириш, пахта экин майдонларни ҳосилдорлигини ошириш, бой кулоқ унсурларга қарашли ер – сув ҳамда мол – мулкларни давлат ихтиёрига ўтказишни тезлашритиш бўйича Сурхондарё округ Советларининг I-қурилтойи бўлиб унга 127 депутат иштирок этди. Қурилтойни ижроий маслаҳат раиси Тўраходжаев очди. Вилоят ички иқтисодий, маданий-турмуш масалалари, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш бўйича Ғиёсова Ойдин, Глусов, Т Норбоев, К Ғосимов, Р Файзуллаев, И Дониёров, Г Сафаров, Н Қулмуродов, А Валиев, Т Мансуров, А Бобохжаев, М Мухторов, Д Азизов, С Ходжаевлар маъруза қилдилар. Шунингдек пахтачиликни ривожлантириш, майда ишлаб чиқариш корхоналарни кучайтириш бўйича, Таллашқон ариғини қуриб тугатиш, деҳқончилик экинлари турини кўпайтириш бўйича алоҳида қарорлар қабул қилинди. 1926 йил 11 июнда Шерободда вилоят ижроия кенгашининг 11-қурилтойи бўлиб, унда пахтачиликни жадал ривожлантириш, вайрон бўлган хўжаликни тиклаш, талончиликнинг олдини олиш, иқтисодий хўжалик юритишни назорат қилиш каби кўрсатмалар, қишлоқ хўжалик артелларини тузишга киришиш каби масалалар муҳокама қилинди. Бу масалалар бўйича Исохўжаев, Тўраев З, Ниёзов Н., Муродов И., Масадовлар маърузаси тингланди. Шунингдек, кўнгилли отряд бошлиғи Эшнӣёз Аминов «Қизил байроқ» ордени билан мукофатланди. Қурилтой Бобохўжаев Абдусамат, Қувватов Ч., Норкулов Р, Норбоев Турсунларга маданий-иқтисодий турмушга оид режалар ишлаб чиқиш топширилди. Шеробод ҳудудида тинчлик сақлаш, давлат мол-мулкни ҳимоя қилиш учун Қувватов Эгамберди, Жангиров Холиёр, Қишлоқбозорилик Ойдин Ражабов раҳбарлигидаги кўнгилли отрядларни тузишга алоҳида эътибор берилди<sup>1</sup>.

1925 йил 18 январ Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига мувофиқ Сурхондарё округи 3 та уездни ўз ичига олувчи Бойсун, Сариосиё, Шеробод ҳудудларига бўлинди. Шеробод уезди маркази Шеробод шаҳри бўлиб, 1925

---

<sup>1</sup> «Сурхондарё» альбоми. -Т.: Шарқ, 1997, 220 бет

йил 17 январдаги қарорига мувофиқ 4 та асосий ҳудудий тармоққа бўлинди. Ўзбекистон Марказий Ижроия қўмитаси 1926 йил 29 сентябрдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистонда бошқарув тизимини яхшилаш мақсадида янги туманлаштириш тизимини яратди. Натижада Чор Россияси амирлик, хонликлар давридаги бошқарув тизими бекор қилиниб, Шўро мамлакатининг иқтисодий талабларига мос ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, кенг деҳқон табақаларига хизмат кўрсатишга, Совет тузумининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий манфаатларига мос келадиган бошқарув тизими ташкил этилди. 1926 йил 29 сентябрдаги Ўзбекистон Марказий Ижроия қўмитаси Кенгашининг қарорига мувофиқ Сурхондарё минтақаси маркази Шеробод шаҳри бўлди. Натижада Сурхондарё округи ихтиёрига 6 та туман: Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Паттакесар, Сарисойё, Шеробод туманлари киритилди. 1926 йилда Сурхон воҳасининг 37,2 минг деҳқон хўжалигида 25800 дона омов, 11626 дона кетмон, 158 та от плуги, 77 дона темир барона, 30307 дона бел, 38271 дона ўроқ, 5415 дона шоха бўлиб, ушбу меҳнат қуроллари билан деҳқончилик ишлари қилинган ва янги ерлар ўзлаштирилиб, суғориш ишларида фойдаланилган. Совет ҳукумати ўзининг аграр соҳадаги сиёсатини амалга ошира бориб, Сурхон-Шеробод воҳасида пахта хом – ашёсини таъминлаш мақсадида янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш иншоотларини қуриш учун 1926 йилда 6 дона, 1927 йилда эса 13 дона трактор олиб келди.<sup>1</sup> XX асрнинг 20-йилларида Сурхондарёнинг «Мелиоратив ўртоқлик уюшмалари» ташаббуси билан пахта экишни жадаллаштириш учун камбағал ва ўрта ҳол деҳқонлар «Қўшчи уюшмаси»га бирикдилар. 1927 йилда «Қўшчи уюшмаси» аъзолари сони 18 минг нафарга етди.<sup>2</sup> Совет ҳукумати янги ерларни ўзлаштиришда ирригация-мелиорация тармоқларини қуриш ва марказ саноатининг пахтага бўлган талабини қондириш мақсадида, 1927-1928 йилларда узоқ муддатга мўлжаллаб қишлоқ хўжалиги учун 540752 сўм, қисқа муддатга мўлжаллаб эса 434165 сўм маблағ ажратди. 1926 йилнинг охири ва 1927 йилнинг бошларида Сурхондарёда қишлоқ хўжалигини янги тузум асосларда қайта қуриш

---

<sup>1</sup> Ленин байроғи, 1970, 8 апрель.

<sup>2</sup> Сурхондарё ВДА, 18-жамғарма, 1-рўйхат, 133-иш, 29-варак.

бошланди<sup>1</sup>. Мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик плани (1929-1933 йиллар) юзасидан Директиваларни қабул қилган ва қишлоқ хўжалигини жамоалаштиришга қаратилган бош йўлини белгилаб берган ВКП(б)15 съездидан кейин Сурхондаё округи қишлоқ хўжалигида жамоа хўжаликларини ташкил этиш, Европа инвентарларини жорий қилиш ва пахта экинини ҳосилдорлигини оширишнинг интенсив равишда тараққий этиши бошланиб кетди. 1926 йилнинг охирида жамоалаштириш бўйича округ бюроси тузулиб, унга қуйи қишлоқ хўжалик ширкатларини ташкил этишни уюштириш вазифаси топширилди. Шу асосда 1927 йилнинг 24 январида Бойсун районида 3 та-Бойсун, Дарбанд ва Кофрун қишлоқ хўжалик кредит ширкатлари тузилган эди. Бойсун ширкатининг аъзолари 569 киши, Дарбанд ширкатиники- 449 киши ва Кофрун қишлоқ хўжалик кредит ширкатининг аъзолари 519 кишидан иборат эди. ВКП(б)15 съездининг қарорларини амалга ошира бориб, пахтакор деҳқон хўжаликларига агрономия ёрдамини уюштирдилар. Агрономия участкалари ва марказлари ташкил этилиб, пахтани навни яхшилаш ва янги толла берадиган иссиқа чидамли пахтана етиштириш учун деҳқонлар оммаси орасида илғор тажрибаларни ва фан ютуқларини кенг тарғибот қилиш, ҳамда ёйиш соҳасида амалий ишлар олиб борилди<sup>2</sup>. 1927 йилга келиб, Сурхондарё округида 5 та, шу жумладан Бойсун районида 1 та пахтачилик агромарказ ташкил этилиб, у бутун район территорияси бўйича хизмат кўрсата бошлади<sup>3</sup>. Бойсун агромарказида ўша пайтда 4 борона, 1 совурадиган, 1 саралайдиган машина, 2 сеялка, 2 «Гейда» триери, 4 плуг, 2 пахта сеялкаси ва бошқа қишлоқ хўжалик инвентарлари бор эди. 1927-1928 йилларда Бойсун районининг ҳамма экин майдони 20366 десятина бўлиб, шундан 3824 десятинасини суғориладиган пахтзорлар ва 16542 десятинасини лалмикор ерлар ташкил этган. Районда асосий қишлоқ хўжалик ерини ҳисобланган буғдой -1540 десятинага, арпа-960 десятинага, тарик ва қўноқ-

---

<sup>1</sup> Жалолиддин Мирзаев. «Термиз тарихи» китоби. «Шарқ» 2001.120 бет.

<sup>2</sup> Турсунов С.Н. Қобилов Э.О. Пардаев Т.Р.Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида -Т., «Шарқ» 2001 й.313-377 бет.

<sup>3</sup> Гафарли М.С., Касаев А. Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик - тараққиёт асоси. Т., 2001. - Б. 143.

96 десятинага, шоли-86 десятинага ва мойли экинлар 344 гектар ерга экилган. Бойсунда қишлоқ хўжалигига яроқли пахта экин майдонлари йил сайин кенгайиб борди. 1927-1928 йилларда 21732 гектарга, 1929-1930 йилларда 26401 гектарга, 1930-1931 йилларда 37131 гектарга, 1931-1932 йилларда 46327 гектарга етди. 1926 йилда районда ветеринария участкаси ташкил этилди. Бу участкада бир врач ва бир санитар ишларди<sup>1</sup>. Совет ҳокимияти пахтачиликни ривожлантириш мақсадида қишлоқ хўжалигини механизациялашга алоҳида эътибор бериб Марказни кўрсатмаси асосида пахта териш машиналарига зарурий маблағларни ажратиб янги ҳудудларни ўзлаштиришга жиддий куч сарфлайди. Механизаторларни тайёрлаш курслари ташкил этиб, социалистик мусобақа йули билан оммавий механизаторларни ўқитиш мақсадида механизаторларни моддий-маънавий қуллаб-қуватлашга жиддий киришди. Ушбу мақсадга эришиш учун янги чақириқлар ва шиорлар ўйлаб топиб, механизаторлар ўртасида мусобақаларни оммалаштиди. Сурхон воҳасида пахтачиликни ривожлантириш, янги ерларни ўзлаштириш, пахта ҳосилдорлигини ошириш мақсадида дастлабки тракторлар 1928 йилда пайдо бўлган. 1929 йилда ташкил этилган Денов МТСи (машина-трактор станцияси)да 6 та ҳайдов трактори, 12 та плуг, 15 та борона (сихмола), 90 та «Ваннер» сеялкаси, 15 та от культиватори ва 18 та оқучник (эгат очиш мосламаси) бор эди. Бу техника воситалари Денов минтақасидаги ҳозирги Шўрчи райони хўжаликларига хизмат кўрсатган. Ўша пайтда маҳаллий механизаторлар мутлақо йўқ эди. «Йигирма беш мингчилар» қаторида Россиядан келган Аҳад Черикбашев 1929 йилда Денов МТСи қошида тракторчилар курсини очди. У 1931 йилда 101-разъезд (ҳозирги Шўрчи темир йўл бекати) ёнида механизаторлар тайёрлаш курсини ташкил этди. Бу курсда 20 нафар Шўрчилик йигит тракторчилик ҳунарини ўрганди. Моҳир механик А. Черикбашевнинг шогирдларидан Мирза Замонов, Ортиқ Саидов, Нарзулла Бобоназаров, Турсоат Мелибоев, Иброҳим Норматов 1930-йиллар бошида техника рулини бошқарган. 1929 йилда Шўрчи районидаги дастлабки «Ўзбекистон беш йиллиги» жамоа хўжалиги (бошқаруви раиси Низом Поёнов), 13-

---

<sup>1</sup> Кобилов Э.А. История развития легкой и пищевой промышленности в южных областях Узбекистана в 1946-1960 гг. Опыт и проблемы. Дисс, канд. из. Наук, -Т., 1994.

«Қумқўргон» (1948 йилдан эътиборан «Комсомол 30 йиллиги») давлат хўжалиги (ҳозирги «Беш қаҳрамон фермерлар уюшмаси»), кейин «Оққопчигай» давлат хўжалиги, «Ёруғлик» жамоа хўжалиги (раиси Қамбар Маматқулов) ва бошқа жамоа хўжаликлари ташкил этилди<sup>1</sup>.

1928 йилда Сурхон-Шеробод округига пахта экинларни кўпайтириш учун ер сув ислоҳотини тезроқ амалга ошириш мақсадида 23 та трактор ажратди. Шунингдек, 1928 йил округда колхозлар сонини 30 тага етказиб, уларнинг иқтисодий қудратни ошириш учун 104 минг сўмлик 14 та трактор, 199 та от пулуги, 88 та от сеялкаси, 64 та от баронасини берди.<sup>2</sup> Собиқ Иттифок томонидан белгилаб берилган қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсатини амалга оширишда 1929 йил буюк бурулиш даври бўлди<sup>3</sup>.

1929 йил давомида Бойсун райони территориясида 8 та пахтачиликка мулжалланган янги жамоа хўжалик тузулди. Бу дастлабки колхозларнинг аъзолари ва ер майдонлари қуйидагича бўлган: «Қизил Шарқ»-Пасурхи қишлоғида тузулиб, 14 та камбағал деҳқон хўжаликларини бирлаштирган ва 127 гектар ер майдонига эга эди. «Ибрат»-Шаит қишлоғида. 16 аъзоси ва 112 гектар ер майдони бўлган. «Ғайрат»-Қорашаит қишлоғида ташкил этилиб, 16 батрак-камбағал деҳқон хўжаликларини ва 94 гектар ер майдонини уюштирган. «Қизил йўл»-Қўрғонча қишлоғида, 12 аъзоси ва 127 гектар ер майдони бўлган. «Қизил Қаҳрамон»-Даштиғоз қишлоғида тузилган. «Қизил Октябрь»-Шахбозор қишлоғида, 86 гектар ери бўлган. Охунбобоев номли-Қайроқ қишлоғида ташкил этилиб, 21 деҳқон хўжаликларига ва 262 гектар ер майдонига эга эди. Шунингдек, Акмал Икромов номли колхоз ҳам ташкил топган. Давлат янги ташкил топган ёш колхозларга катта ёрдам бериб, уларни қўллаб-қувватлади. Пахтачиликка мулжалланган колхозлар солиқларни тўлаш, сув ресурсларидан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик машиналари, инвентарлари таъминоти бўйича давлат ва

---

<sup>1</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет советской власти. –Т., Узбекистан, 1987. –334 с.

<sup>2</sup> Ленин байроғи, 1969 й, 25 ноябрь.

<sup>3</sup> Кобилов Э.А. История развития легкой и пищевой промышленности в южных областях Узбекистана в 1946-1960 гг. Опыт и проблемы. Дисс, канд. из. Наук, –Т., 1994.

кооператив органларидан ҳар хил имтиёзлар олиб турган<sup>1</sup>. 1930 йилнинг май ойида Бойсун районида 58 колхоз бўлиб, уларга уюшган батрак, камбағал деҳқон хўжаликларининг сони 6819 та бўлган, 1933 йилга келиб районларни колхозлар 56, улардаги хўжаликлар сони 9624 та, 1934 йилда эса колхозлар сони 50 та бўлган. Колхозлар сонининг камайиши уларнинг йириклаштирилиши натижасидир. 1937 йилнинг охирида районда коллективлаштириш даражаси 93,8 процентгача этди<sup>2</sup>. Совет ҳукуматининг жамоалаштириш ишига жиддий эътибор берилиши натижасида 1930 йилда Сурхон-Шеробод воҳасида 250 та колхоз ташкил этилди ва қишлоқ хўжалигида техника таъминотини яхшилаш мақсадида биринчи машина трактор станцияси (МТС) ташкил қилиниб, унда 750 от кучига тенг тракторлар қуввати бирлаштирилди<sup>3</sup>. 1930 йилларда бу колхозлар ўз тузулиши жиҳатидан асосан батрак-камбағаллардан иборат бўлган. Совет ҳукумати жамоалаштириш сиёсатига қарши ҳаракатлар ҳам бўлиб ўтиб, масалан, 1930 йилнинг март ойида Сурхондарё округининг Бойсун ва Денов районларида Алимқул Аллаёров ва унинг батраги бошчилигида аҳолини мол-мулки тортиб олиниб, ёппасига жамоалаштиришга қарши ҳаракат бўлиб ўтди. Жойлардаги оммавий қаршиликларга қарамасдан жамоалаштириш сиёсати амалга оширила борди. Мустабид тузум 1931-1932 йилларда Сурхон-Шеробод воҳасида пахта етиштиришни кўпайтириш, ҳамда янги ерларни ўзлаштириш учун машина-трактор станциялари (МТС)ни ташкил этишга жиддий эътибор бериб, 1930 йил баҳорида 1-Денов МТС ташкил этилди ва ушбу МТСга 750 от кучига эга бўлган тракторлар берилди. 1929 йили Бойсун районида бор-йўғи 6 та колхоз бўлиб, коллективлаштириш атиги 3 фоизни ташкил қилган. Сурхондарё округи партия ташкилоти 1930 йилда Бойсун районидаги барча хўжаликларнинг 25 фоизини коллективлаштиришни режалаштирган эди. Бироқ район партия ташкилотининг ракамлар ортидан қувиши натижасида бу режа 75 фоизга

---

<sup>1</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет советской власти – юбилейней стат-ежегодник Тошкент-Узбекистон. 1977

<sup>2</sup> Турсунов С.Н. Қобилов Э.О. Пардаев Т.Р. Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида -Т., «Шарқ» 2001 й.313-377 бет.

<sup>3</sup> Ленин байроғи, 1969 й, 25 ноябрь.

кўпайтириб юборилди<sup>1</sup>. Районда 1930 йил 25 апрелдаёқ 58 та колхоз ташкил қилинди. Колхозлар 7670 та хўжаликни бирлаштирган бўлиб, коллективлаштириш даражаси 78 фоизга етади. Бу колхозлар бор-йўғи 25 кун ичида ташкил қилинди. Совет ҳукуматининг жамоалаштириш ишига жиддий эътибор берилиши натижасида 1930 йилда Сурхон-Шеробод воҳасида 250 та колхоз ташкил этилди ва қишлоқ хўжалигида техника таъминотини яхшилаш мақсадида биринчи машина трактор станцияси (МТС) ташкил қилиниб, унда 750 от кучига тенг тракторлар қуввати бирлаштирилди.

---

<sup>1</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет советской власти. –Т., Узбекистан, 1987. –334 с.

## **1.2. Мустабид тузумнинг дастлабки ижтимоий-иқтисодий сиёсати.**

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида совет ҳукумати жамоалаштиришга қаршилик курсатганларни ва Марказ режасига тусқинлик қилганларга қарш оммаий отиш ва ўлдириш билан биргаликда сургун ҳамда қотоғон қилиш сиёсатидан кенг фойдаланди. Шўрчи районида 1918-1926 йиллар Мамадибой, Қаршибой, Худойбердибой, Давлатбойларнинг мол-мулклари мусодара қилиниб, ўзлари сургун қилинди. 1930 йилда Сурхондарё округида 23650 деҳқон хўжалигини бирлаштирган 261 та колхоз бўлган, бу эса коллективлаштиришнинг 49,2 фоизини ташкил этиб, жумладан коллективлаштириш Бойсунда 77,4 фоизни ташкил қилган<sup>1</sup>. Бу жараён зарурий тайёргарликларсиз, хўжаликлар ўртасида тушунтириш ишларисиз олиб борилди. Деҳқонлар колхоз ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эдилар. Хатто, колхоз ташкилотчиларининг ўзлари колхоз қурилишининг асосларини билмас эдилар. Коллективлаштиришда Марказ кўрсатган ихтиёрийликка амал қилинмади, маъмурий-буйруқбозлик усули тўлалигича қўлланилди. Бу буйруқбозлик турли кўринишда: Афғонистонга сургун қилиб юбориш билан кўрқитиш, ерни тортиб олиш, колхозга кирмаган якка хўжаликларга давлат томонидан ҳеч қандай ёрдам бермаслик, колхозга кирмаганларни кулоқ сифатида руйхатга олиш каби усулларда намоён бўлган. ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 28 январда кулоқларни синф сифатида тугатиш Ўзбекистонда колхозлаштириш ва кулоқ қилиш кампаниясига жиддий эътибор берилиб, «коллективлаштириш учун камбағал, ўртаҳол, кенг деҳқонлар оммасининг ҳаракати инкор этиб бўлмас далил ва қишлоқ, хўжалигини қайта тиклаш ва юксалтиришнинг кучли таянчи бўлиб қолди» деган фикр илгари сурилди. Қарорда колхозчилик ҳаракати кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан техникавий (тракторларни, мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарини жорий этиш) жиҳатдан қайта қурулантиришга асосланиши, деҳқонларнинг оммавий ҳаракати асосида бир қатор районларда ёппасига коллективлаштириш учун қулай шарт-шароитлар етилди, каби нореал ғоя ҳам

---

<sup>1</sup> Турсунов С.Н. Қобилов Э.О. Пардаев Т.Р. Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида -Т., «Шарқ» 2001 й. 313-377 бет.

илгари сурилганди<sup>1</sup>. Қулоққа тортиш — одамларни барча фуқаролик, конституциявий, биринчи навбатда сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилиш эди. Қулоққа тортиш ҳеч қандай судсиз, терговсиз ҳал қилинган. Бу ишлар райком котиби, райишрокум раиси ва ГПУнинг (давлат сиёсий бошқармаси) маҳаллий раҳбарларидан ташкил топган махсус кенгашлар, «учлик»лар ва «иккилик»лар томонидан бажарилган. Бу шубҳали, шухратпараст, фисқу-фасодга тўлиб тошган «учлик»ларнинг вазифаси экспроприация ва депортация қилиниши мумкин бўлганларнинг рўйхатини тузишдан иборат бўлган. Шерободда жамоа хўжаликларини тузиш ниҳоят даражада оғир, сиёсий кураш таъсирида амалга оширилди, минглаб ўзига тўқ оилалар совет тузумининг қурбонига айландилар. Оммавий тарзда қатағон қилиш, ўзига тўқ деҳқон оилаларнинг мол-мулкини талон-тарож қилиш, сургун қилиш оддий ҳодисага айланди. Ватандошларимиз бошига мусибатли, фожеали турмуш тарзи чексиз кулфатлар келтирди. Шеробод туманидан қулоқ хўжалиги сифатида 55 катта ер эгаси, 21 руҳоний, 14 амалдор, 2 савдогар, 22 судхўр, жами 114 хўжалик 1927 йилда тугатилиб, 1954 гектар суғорма ер, иш ҳайвонларидан 61 от, 125 хўкиз, қишлоқ хўжалик буюмларидан 52 омов, 79 сихмола, 2 та лапатка, 5205 арава, 4970 пуд сомон, 1765 пуд беда тортиб олинди. Қулоқ қилиш даврида ўзига тўқ оилалар айниқса, аянчли турмушни бошидан кечирдилар. 1932 йилда Ўз КП (Б) Мкнинг Шерободдаги вакили Давидов Марказга шундай маълумотнома жўнатди: «Тадбирнинг ўзи Марказкомнинг тегишли кўрсатмасига мувофиқ 12 майдан 13 майга ўтар кечаси бошланди. Шу тун кечасида сиёсий комиссия белгилаб қўйган барча хўжаликлар қўлга олинди ва эрталаб кўчириб юборилди<sup>2</sup>.

Бу тадбирлар «қулоқ»ларнинг қаттиқ ва хилма - хил қаршилиги шароитида амалга оширилди, тадбир ўтказилаётганда «қулоқ»лар, ўрта ҳоллар, ҳатто камбағалларнинг қочиб кетиш ҳоллари кўп бўлди. Уларни ушлаш, қайтариб келиш қийин кечди, энг кўп қочиш 1932 йил майида Гидамбоб қишлоғида юз берди. Шерободдан 86 хўжалик «сургун сафари»га

---

<sup>1</sup> Қобилов Э.О. Сурхондарё саноатининг илк одимлари.-Термиз.; «Жайхун», 1993 й. 114 -б.

<sup>2</sup> Турсунов С.Н. Қобилов Э.О. Пардаев Т.Р.Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида -Т., «Шарқ» 2001 й.313-377 бет.

жўнатиш чоғида одамлар орасида: «Иккинчи беш йилликда барча мусулмонлар РСФСРга кўчирилади, сургун қилинган мусулмонлар жойларига руслар жойлаштирилади, сургун қилинаётган аёллар ГПУда қолдирилаяпти, эрлари қамоққа олинмоқда, хориж мамлакатларига мухожир бўлиб чиқиб кетишдан бошқа илож қолмади деган гаплар ҳам тарқатилган».

Совет давридаги Ўзбекистоннинг тарихи энг мураккаб ва зиддиятли, оғир йўқотишлар ва талофатлар, фожиали воқеаларга бой, ўтган ота-боболаримиз юрт озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган қаҳрамонона курашлари, мағлубиятлари ва зарарлари, фидокорона меҳнатлари саҳифаларидан ташкил топган. Бироқ, совет тузуми даврида «Миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри ҳазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, яна қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугун ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди»<sup>1</sup>. Советлар даврида катта фожиатусини олган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёнида бадавлат деҳқон хўжаликларининг тугатилиши, «Қулоқ» қилинган деҳқонларнинг оила аъзолари билан бегона юртларда мажбурий сургун қилиниши ва бундай сиёсатнинг мудҳиш оқибатларини ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. 1923-1933 йилларда амалга оширилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёнини Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятида ўзига хос ва оғир шароитларда ўтди. Чунки бу вилоятлар республиканинг бошқа ҳудудларидан фарқли равишда Чор Россияси мустамлакачилигини ўз бошидан кечирмаган, совет режими эса 1920 йилларда ўрнатилган ва ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳамда демографик ҳужжатдан ҳам ўзига хос хусусиятларига эга эди. Ана шу ҳолатларда коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш компанияларини ўтказишда ўз таъсирини кўрсатди. Аммо бу тарихий жараён бўйича советлар даврида ҳеч қандай тадқиқот ишлари олиб борилмади, бу мавзуга совет ҳукмронлиги даврида эҳтиёж ҳам, зарурият ҳам сезилмади. Мавзунинг долзарблиги, аввало, Ватанимиз тарихидаги ўзбек деҳқонларининг «Қулоқ» қилиниши ва фожиали тақдири билан боғлиқ

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майда қабул қилган «Қатағонлик қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги қароридан // Халқ сузи. –2001. 2май

бўшлиқни тўлдириш билан белгиланади. Шунингдек, Сурхондарё вилоятидан Шимолий Кавказ сургун қилинган юртдошларнинг ҳаёти ва аянчли қисматини тадқиқ этиш илмий ва амалий касб этади<sup>1</sup>. 1929 йилда бошланган оммавий коллективлаштириш Шерободда ҳам олиб берилиб, 23 та колхоз ташкил этилди. Шулардан йириклари Сталин, Қаҳрамон Фрунзе, Социализм, Янги йўл, Охунбобоев, Ёш ленинчи колхозлари бўлиб, дон, арпа, чорвачилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етказиб беришга мослаштирилди. 1929-1931 йилларда Жиндибулоқ, Миршоди, Саксанкапа ва Савжирон қишлоқларида ер-сув ислохотлари ўтказилиб, 1932 йилда «Қизил тўлқин» жамоа хўжалиги 12 центнердан пахта етиштирганлиги учун Ўзбекистоннинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди<sup>2</sup>.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида 1930 йилда Шўрчи районида “Ёруғлик” жамоа хўжалиги етакчи хўжалик сифатида шаклланиб ташкил этилди. 1929 йил Шўрчида жамоалаштиришнинг бошланиши натижасида дастлаб, “Беш йиллик” хўжалиги ташкил этилиб, ушбу хўжалик негизида 1933 йил “Ёруғлик” жамоа хўжалиги ташкил этилиб, унга Жўра Хўжамиёров, 1950 йилда “Хурлик”, “8-март”, “Ёруғлик” хўжаликлари бирлаштирилиб, Янгибобоев Бобохон раис этиб тайинланди. 1932-1934 йилларда Ободон жамоа хўжалигида дастлабки МТС ташкил этилиб, 1934-1939 йилларда Қарши Жўраев МТСнинг дастлабки тракторчиси сифатида танилди. Районда 1945-1949 йилларда “Ижтимоиёт” жамоа хўжалиги ташкил этилиб, унга Қ. Жўраев раис этиб тайинланди<sup>3</sup>.

1930 йилда Сурхондарё округида пахтачилика мулжалланган 23650 деҳқон хўжаликларни бирлаштирган 261 та колхоз бўлиб, бу жамоа хўжаликларга 49,2 фоиз деҳқонлар бирлаштирилган эди. Шундан 24 та колхоз Шеробод туманида ташкил топди. Жамоалаштириш қаттиқ кураш,

---

<sup>1</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет советской власти. –Т., Узбекистан, 1987. –334 с.

<sup>2</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет советской власти – юбилейней стат-ежегодник Тошкент-Узбекистон. 1977

<sup>3</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет советской власти – юбилейней стат-ежегодник Тошкент-Узбекистон. 1977

карама-қаршилик, зиддиятлар асосида олиб борилиб, кўплаб маҳаллий аҳоли сургун ва қатағонлик, азоб-уқубатларини тортди. Шерободда 1931 йил жами деҳқон хўжаликларнинг сони 11848 та бўлиб, шу деҳқон хўжаликлардан 86 таси кулоқ сифатида мустабид тузумга қаршилик кўрсатганлиги учун Шимолий Кавказга сургун қилинди<sup>1</sup>.

1930-1933 йилларда ташкил топган колхозлар ниҳоятда кам қувват ҳамда иқтисодий хўжалик таъминоти паст эди. Буни қўйидаги маълумотдан ҳам билиш мумкин:<sup>2</sup>

| Шерободдаги колхозлар | Плуг | Омоч | От | Камбағал деҳқонлар | Ўрта ҳол деҳқонлар: |    |
|-----------------------|------|------|----|--------------------|---------------------|----|
| Қизил ой              | 7    | 1    | 7  | 20                 | -                   | 4  |
| Кун чиқиш             | 19   | 20   | 10 | 100                | 11                  | 31 |
| Охунбобоев            | 4    | 1    | 10 | 10                 | -                   | 11 |
| Камбоғал              | 4    | 5    | 22 | 6                  | 20                  | -  |
| Қизил юлдуз           | 6    | 8    | 25 | -                  | 5                   | 17 |
| Озод турмуш           | 7    | 2    | 15 | 20                 | 2                   | -  |
| Жамият                | 9    | 1    | 14 | 3                  | 55                  | -  |
| Қизил байроқ          | 5    | 10   | 3  | -                  | -                   | 19 |

Колхоз ва деҳқон хўжаликларига аъзо қилиш кўпинча мажбурий амалга ошириб, аъзо бўлмаганлар социализм душмани деб эълон қилиниб кулоқ сифатида уларни тугатиб, Сибирьга сургун қилинди. Шерободда ҳам бундай оилалар сони 50 дан ортиқ эди. 1930 йил ноябрь охирида Шеробод фирқа қўмитасида махсус текшириш ўтказилиб колхоз раҳбарларини сайлаш ва қайта сайлаш йўли билан янги тозалаш бўлиб, энг фаол деҳқончиликни яхши тушунадиган кишилар яна сиқув остига олиниб уларни ўрнига қишлоқ хўжаликни деярли билмайдиган Москва, Ленинград, Ивановадан келган ишчи-хизматчилар қўйилди. Хосилдорликни тезлик билан ошириш, кўпроқ

<sup>1</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет советской власти. –Т., Узбекистан, 1987. –334 с.

<sup>2</sup> Турсунов С.Н. Қобилов Э.О. Пардаев Т.Р.Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида –Т., «Шарқ» 2001 й.313-377 бет.

марказга пахта, тери, пилла етиштирилиб бериш учун янги хўжаликларни ташкил этиш кучайтирилди<sup>1</sup>.

Шўрчидаги жамоа ва давлат хўжаликлари сони 52 тага етди, уларнинг моддий-техника негизи тобора мустаҳкамланди. 1934 йилда Ўзбекистан совет республикасининг 10 йиллигига бағишланган Сурхондарё округи Шўрчи районида тантанали суратда нишонланди. Темир йўлнинг кунботар тарафидаги Қултепа қишлоғи қошида миллий кураш ва кўпқари бўйича мусобақалар ўтказилди. 1934 йилда Шўрчи минтақасида биринчи МТС (машина-трактор станцияси) ташкил этилгач, техника воситалари сони ва тури тобора кўпайиб, хизмат сифати яхшиланди, Бу соҳада механик А.Луктовский, Чариков, Ципляев ва Бичков алоҳида жонбозлик кўрсатди. 1935 йилда фақат «Ёруғлик» ва Коммунист жамоа хўжаликларида 1,5 тонна юкка мўлжалланган автомашиналар мавжуд бўлган. 1931-1932 йилларда Сурхон-Шеробод воҳасида 2-Денов, Узун, Шўрчи, Ангор, Таллимарон, Бешкўтон МТСлари ҳам ташкил этилди.<sup>2</sup> 1932 йил Шерободда пахтачилик билан шуғулланувчи 11848 деҳқон хўжалиги бўлиб, колхозлар сони 139 тага етказилди. Бу пахтачилик колхозларга жами 8514 деҳқон хўжалиги аъзо бўлиб, жами деҳқон хўжалиги 71.7% жамоа хўжаликларида аъзо бўлди<sup>3</sup>.

1932 йил Шерободда пахтачиликни янада ривожлантириш мақсадида дастлабки марказлашган МТСлар ташкил этилди, натижада 1930 йилларда Шерободни йирик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берувчи марказга айлантириш учун яхши тадбирлар жорий этила бошланди. 1933 йил март ойида Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтидан 18 нафар малакали-билимли студентлар Истомин раҳбарлигида Шерободга келди. Шу йилнинг ўзида Истомин йириклашган пахтачилик хўжалиги «Ўртоқ» колхозига агроном этиб тайинланди<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет советской власти – юбилейней стат-ежегодник Тошкент-Узбекистон. 1977

<sup>2</sup> Ленин байроғи, 1970, 8 апрель.

<sup>3</sup> Турсунов С.Н. Қобилов Э.О. Пардаев Т.Р. Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида -Т., «Шарқ» 2001 й. 313-377 бет.

<sup>4</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет советской власти. –Т., Узбекистан, 1987. –334 с.

Совет ҳукумати Сурхон-Шеробод воҳасида пахтачиликни ривожлантиришда эришилган ютуқларни ҳисобга олиб, 1932 йилда Шеробод уездани «Меҳнат Қизил Байроқ ордени» билан мукофотлади.<sup>1</sup> Қишлоқ хўжалигини янгича асосда қайта қуриш пахтачиликка асосланган деҳқончиликни механизатциялаштириш даражасининг, замонавий қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналари билан таъминлашнинг ўсиши билан бирга олиб борилди. 1936 йилнинг май ойида Бойсун районида пахтачиликни ривожлантириш мақсадида машина трактор станцияси ташкил этилди. 1937 йилда бу МТС 25 трактор ва 4 ғалла комбайинга, 1938 йилда эса 29 трактор ва 7 комбайинга эга бўлди. Округнинг шу жумладан Бойсун туманининг меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, янги навларни яратиш учун кураш олиб бордилар ва бу йўлда ижобий натижаларга эришдилар. 1933 йилда Бойсун тумани Мачай қишлоқ Кенгашидаги «Қаҳрамон» колхозининг аъзоси Муслима Бегимова кўп йиллик меҳнат ва тажрибалари натижасида буғдойнинг янги навини яратишга муваффақ бўлди. 1937 йилда ана шу нав буғдой уруғи экилган ғалла майдонининг ҳар гектарида 70 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Ўзбекистон ҳукумати 1937 йил 10 августдаги қарори билан маҳаллий селекционер Муслима Бегимованинг хизматларини юксак баҳолади. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг 1937 йил 1 сентябрдаги қарорига асосан унга «Ғалла устаси» деган фахрий унвон берди ва 3 минг сўм пул билан мукофотланди. Янги нав буғдой «Муслимка» номи билан аталди. Бутун Сурхондарё меҳнаткашлари билан биргаликда Бойсун районининг меҳнаткашлари ҳам катта муваффақиятлари билан коллектив хўжалигининг кучи, афзалликлари ва ҳаётийлигини амалда кўрсатди<sup>2</sup>. Янги ерларни ўзлаштириш, суғориш тизимини қуриш учун зарур мутахассисларни тайёрлаш мақсадида 1938 йил Термиз шаҳрида, 1939 йилда

---

<sup>1</sup> Ленин байроғи, 1969, 25 ноябрь.

<sup>2</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет советской власти – юбилейной стат-ежегодник Тошкент-Узбекистон. 1977

эса «Ҳазарбоғ» совхозида механизация билим юртлири ташкил этилди. 1938 йилда эса Деновда мотор-ремонт заводи куриб ишга туширилди.<sup>1</sup>

Шўрчидаги жамоа ва давлат хўжаликлари сони 52 тага етди, уларнинг моддий-техника негизи тобора мустаҳкамланди. 1934 йилда Ўзбекистан совет республикасининг 10 йиллигига бағишланган Сурхондарё округи Шўрчи районида тантанали суратда нишонланди. Темир йўлнинг кунботар тарафидаги Қултепа қишлоғи қошида миллий кураш ва кўпкари бўйича мусобақалар ўтказилди. 1934 йилда Шўрчи минтақасида биринчи МТС (машина-трактор станцияси) ташкил этилгач, техника воситалари сони ва тури тобора кўпайиб, хизмат сифати яхшиланди, Бу соҳада механик А.Луктовский, Чариков, Ципляев ва Бичков алоҳида жонбозлик кўрсатди. 1935 йилда фақат «Ёруғлик» ва Коммунист жамоа хўжаликларида 1,5 тонна юкка мўлжалланган автомашиналар мавжуд бўлган<sup>2</sup>.

Райондаги жамоа ва давлат хўжаликлари сони 52 тага етди, уларнинг моддий-техника негизи тобора мустаҳкамланди. 1934 йилда Ўзбекистан совет республикасининг 10 йиллигига бағишланган Сурхондарё округи Шўрчи районида тантанали суратда нишонланди. Темир йўлнинг кунботар тарафидаги Қултепа қишлоғи қошида миллий кураш ва кўпкари бўйича мусобақалар ўтказилди. 1934 йилда Шўрчи минтақасида биринчи МТС (машина-трактор станцияси) ташкил этилгач, техника воситалари сони ва тури тобора кўпайиб, хизмат сифати яхшиланди, Бу соҳада механик А.Луктовский, Чариков, Ципляев ва Бичков алоҳида жонбозлик кўрсатди. 1935 йилда фақат «Ёруғлик» ва Коммунист жамоа хўжаликларида 1,5 тонна юкка мўлжалланган автомашиналар мавжуд бўлган<sup>3</sup>.

Бу даврнинг энг йирик ирригация қурилиши Ҳазарбоғ ва Қумқўрғон каналлари қурилиши билан боғлиқ бўлди. Бу каналлар Сурхон воҳасида ташкил топган илк совхозларнинг сув билан таъминлади. Сурхон-Шеробод чўлларида ирригация шохобчаларини кенгайтириш ва такомиллаштириш

---

<sup>1</sup> Ленин байроғи, 1970, 8 апрель.

<sup>2</sup> Кобиров Э.А. История развития легкой и пищевой промышленности в южных областях Узбекистана в 1946-1960 гг. Опыт и проблемы. Дисс, канд. из. Наук, -Т., 1994.

<sup>3</sup> Кобиров Э.А. История развития легкой и пищевой промышленности в южных областях Узбекистана в 1946-1960 гг. Опыт и проблемы. Дисс, канд. из. Наук, -Т., 1994.

соҳасидаги ишларни амалга ошириш учун марказдан кўплаб мутахассислар, хусусан муҳандислар, ирригаторлар ва бошқа касбдаги ходимлар жалб этилди. Марказдан келган мутахассислар мавжуд канални кенгайтириш ва узайтириш, янги сув тармоқларини қуриш ишлари билан шуғулланишиб, суғориладиган ерларнинг шўрланиши ва емирилишига қарши катта мелиоратив ишларни олиб бордилар.

Ўзбекистон ҳукумати қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, бошқаришни такомиллаштириш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашни назарда тутиб, Денов райони негизда Шўрчи райони ташкил этишни лозим топди. 1935 йил 9 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси бу ҳақда қарор қабул қилди. Шўрчи, Култепа, Оқтумшук ва Янгибозор каби кўҳна қишлоқлар негизда ташкил топиб Шўрчи қишлоғи район маркази бўлди<sup>1</sup>.

Шўрчи район раҳбарлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, маданият ва маориф ишларига алоҳида аҳамият бериб, 1936 йил баҳорида Россиядан Шўрчи райониغا 18 минг туп манзарали дарахт кўчати келтирилди. Район партия қўмитасининг биринчи котиби Усмонов ва район ижроия қўмитасининг раиси Обид Мирхолиқовлар раҳбарлигида бу олиб келинган дарахтлар маданият ва истироҳат боғига экилиб 1936 йилда янги дам олиш маданият маскани яратилди. . Кўчатлар учун сарфланган маблағ барча хўжалик ўртасида тенг миқдорда тақсимланди. Сурхондарё округ ер ишлари бўлими бошлиғи Вагиф туман марказига келиб, янги боғнинг лойиҳасини чизиш ишларига бош-қош бўлди. Бу ишда раҳбарлар, мутахассислар, Қирғизистоннинг Ўш шаҳридан кўчиб келган Бекназар қори Назаров ва бошқалар фаол иштирок этди. Навбаҳор фаслида халқ хашари тобора авж олди. Йўлаклар ва хиёбонлар ташкил этилиб, 17 гектар майдонга клён ва бошқа дарахт ниҳоллари ҳамда гул кўчатлари ўтқазилди. XX асрнинг ўрталарида боғ чеккасида эски маданият уйи, район партия қўмитаси

---

<sup>1</sup> Тухтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва уни “социалистик” асосда сановатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар). Диссер. Тарих фанлари номзоди. –Т., 2001

(ҳокимият) биноси, уйлар ҳамда марказий касалхона ва бошқа бинолар қурилиб, истироҳат боғи ҳудуди 9 гектар майдонни ташкил этди<sup>1</sup>.

Ўтказилган ирригация-мелиорация тадбирлари натижасида, 1930 йилда Сурхон-Шеробод воҳасида суғориладиган ерлар майдонлари 65 минг гектарга<sup>2</sup>, 1940 йилда эса 104 минг гектарга<sup>3</sup> кўпайди. Воҳада пахта майдонлари йилдан-йилга ортиб бориб, 1928 йил пахта майдонлари 12,5 минг гектар бўлган бўлса, 1940 йилда келиб эса бу кўрсаткич 50 минг гектарга етди<sup>4</sup>.

Шўрчи туманида чорвачиликни ривожлантиришга эътибор берилиб, чорва молларни сони кўпайтиришга алоҳида маблағ ажратиб, жамоа хужаликларида умумжамоа мулклари яратилиб, шахсий-хусусий чорва моллари маҳаллий аҳоли қулидан тортиб олинди. 1930-йилда районда 3 минг қорамол, 56 минг майда мол бўлган. Жамоа хужаликларни ташкил этишга совет ҳукумати жиддий киришиб, Ўрта ҳол ва бой деҳқонларни мол-мулки тортиб олинди. Маҳаллий аҳолини жамоага жалб этишга катта куч сарфланиб, халқни қурқитиш, мол-мулкни тортиб олиш ва сургун ҳамда қатоғонликка тортиш йули билан мажбурий жамоа хужаликларига жалб этди. 1930 йилда Шўрчи районида дастлабки Култепа агроучасткаси ташкил этилди, унга Куйбишевлик агроном Тимофей Дмитриевич Акимов раҳбарлик қилди. Агроучастканинг асосий вазифаси — давлат ва жамоа хўжаликларини уруғлик чигит ва дон билан таъминлаш, техника хизмати кўрсатиш, ғўза ва бошқа экинлар парвариши бўйича малакали маслаҳат беришдан иборат эди<sup>5</sup>.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида XX асрнинг 30-йиллари бошида Шўрчи райониуманида 8 нафар биринчи механизатор 8 та «Интер» русумли ҳайдов трактори билан 18 та жамоа хўжалигига хизмат қилган. Тажрибали механик бир неча механизаторга

---

<sup>1</sup> Тухтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар). Диссер. Тарих фанлари номзоди. –Т., 2001

<sup>2</sup> Сурхондарё ВДА 65-жамғарма, 1-рўйхат, 39-иш, 7-варак.

<sup>3</sup> Сурхондарё ВДА 18-жамғарма, 1-рўйхат, 133-иш, 34-варак.

<sup>4</sup> ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви, 1-жамғарма, 5-рўйхат, 46-иш, 60-варак.

<sup>5</sup> Турсунов С.Н. Қобилов Э.О. Пардаев Т.Р. Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида –Т., «Шарқ» 2001 й. 313-377 бет.

бошчилик қиларди. 1931 йил ташкил этилган “Шарқ ҳақиқати” жамоа хўжалигига Турди Валиев раҳбар этиб тайинланиб, 1933 йилда Хайрабод агроучастка директори, 1935-1936 йилларда Жиндибулоқ агроучастка директори, 1936-1939 йилларда 1-май (ҳозирги Толли) хўжалик раиси вазифасида ишлади. 1940-1941 йилларда “Камсомол”, 1947-1950 йилларда “Октябрь 30 йиллиги” колхозига раис этиб тайинланди.. Янги пахта майдонларни очиш ва мавжуд ерларни суғориш учун суғориш тизимга алоҳида эътибор берилиб, ариқ, зовурларни қайта таъмирлашга ҳамда янги суғориш тизимни яратишга совет ҳукумати маблағ ажратди. Чунки Марказни пахта монополиясига бўлган талаб эҳтиёжини қондириш учун янги ер майдонлари зарур эди. 1930-1932 йилларда Қумқўрғон канали қурилишида Алихон Сафаров бош мироб бўлиб ишлаб, 1932 йил “Хурлик”, 1938 йил “5 йиллик”, “Ёш ғайрат”, “Ўркак” хўжаликларини бирлаштириб, “Ёш ғайрат” колхозига раис этиб тайинланди. 1949 йилда “Пахтакор” ва “Зарбдор” хўжаликлари “Ёш ғайрат” хўжалигига бирлаштирилди<sup>1</sup>.

Совет ҳукумати жамоалаштиришга қаршилик курсатганларни ва Марказ режасига тусқинлик қилганларга қарш оммаий отиш ва Ўлдириш билан биргаликда сургун ҳамда қотоғон қилиш сиёсатидан кенг фойдаланди. Шўрчи районида 1918-1926 йиллар Мамадибой, Қаршибой, Худойбердибой, Давлатбойларнинг мол-мулклари мусодара қилиниб, Ўзлари сургун қилинди. 1929-1931 йилларда Жиндибулоқ, Миршоди, Саксанкапа ва Савжирон қишлоқларида ер-сув ислохотлари Ўтказилиб, 1932 йилда «Қизил тўлқин» жамоа хўжалиги 12 центнердан пахта етиштирганлиги учун Ўзбекистоннинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди<sup>2</sup>.

Совет ҳукуматининг жамоалаштириш ишига жиддий эътибор берилиши натижасида 1930 йилда Сурхон-Шеробод воҳасида 250 та колхоз ташкил

---

<sup>1</sup> Тухтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва уни “социалистик” асосда sanoatлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар). Диссер. Тарих фанлари номзоди. –Т., 2001

<sup>2</sup> Тухтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва уни “социалистик” асосда sanoatлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар). Диссер. Тарих фанлари номзоди. –Т., 2001

этилди ва қишлоқ хўжалигида техника таъминотини яхшилаш мақсадида биринчи машина трактор станцияси (МТС) ташкил қилиниб, унда 750 от кучига тенг тракторлар қуввати бирлаштирилди. Сурхон-Шеробод воҳасидаги ирригация қурилишнинг энг муҳим босқичи 1930-1940 йилларда амалга оширилди. Бу даврда асосий ирригация ва мелиорация ишлари суғориладиган ерларни қайта ишлаш ва уларни инженер ва ярим инженер типдаги сув хўжалик иншоотлари билан таъминлашга қаратиш йўли билан олиб борилди<sup>1</sup>.

Бу даврнинг энг йирик ирригация қурилиши Ҳазарбоғ ва Қумқўрғон каналлари қурилиши билан боғлиқ бўлди. Бу каналлар Сурхон воҳасида ташкил топган илк совхозларнинг сув билан таъминлади. Сурхон-Шеробод чўлларида ирригация шохобчаларини кенгайтириш ва такомиллаштириш соҳасидаги ишларни амалга ошириш учун марказдан кўплаб мутахассислар, хусусан муҳандислар, ирригаторлар ва бошқа касбдаги ходимлар жалб этилди. Марказдан келган мутахассислар мавжуд канални кенгайтириш ва узайтириш, янги сув тармоқларини қуриш ишлари билан шуғулланишиб, суғориладиган ерларнинг шўрланиши ва емирилишига қарши катта мелиоратив ишларни олиб бордилар.

Воҳадаги ирригация қурилишлари учун ажратилган маблағлар йилдан-йилга ошиб борди. Масалан, Шўрчидаги ирригация ишлари учун биринчи беш йилликда ажратилган маблағлар 1,4 млн сўмни ташкил қилган. Шунингдек Шўрчида янги ерларни ўзлаштириш мақсадида суғориш тармоқлари кенгайтирилиб, янги каналлар қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилди ва мелиорацияга оид тадбирларни амалга оширишга жиддий киришилди. Мустабид тузум 1931-1932 йилларда Шўрчида пахта етиштиришни кўпайтириш, ҳамда янги ерларни ўзлаштириш учун машина-трактор станциялари (МТС)ни ташкил этишга жиддий эътибор бериб, 1931-1932 йилларда Шўрчи МТСлари ҳам ташкил этилди<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Турсунов С.Н. Қобилов Э.О. Пардаев Т.Р.Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида -Т., «Шарқ» 2001 й.313-377 бет.

<sup>2</sup> Кобилов Э.А. История развития легкой и пищевой промышленности в южных областях Узбекистана в 1946-1960 гг. Опыт и проблемы. Дисс, канд. из. Наук, -Т., 1994.

Бу даврга келиб Шарқий Бухорода шу жумладан Бойсунда Советлар ҳукумати тузулиб бўлган эди. 1922 йил баҳорида Оллокул Қоравулбеги Бойсунда инқилобий қўмита раиси этиб тайинланди. Орадан кўп ўтмай уни «Жосусликда» айблаб ишдан бўшатишди ва учлик орқали отишга ҳуқуқ этилди. Лекин бахтли тасодиф орқали (яъни унинг уйи-меҳмонхонасида Петренко исмли рус миллатига мансуб киши яшарди) Ушбу рус миллатига мансуб кишини илтимосига асосан, у отишдан қолдирилиб, ҳозирги Жарқўрғон районидаги «Сурхон» қочоқлар лагерига сургун қилинди. Тарихий манбаларда ёзилишича, «Сурхон Қулоқлаштириш зонасига» жуда кўплаб ватандошлар сургун қилишган<sup>1</sup>.

1928 йилдан бошлаб «Қулоқлаштириш» сиёсати бу оилани четлаб ўтмади. 1928 йилда унинг пешонасига «қулоқ» тамғаси босилиб, Сибирга Сурхондан сургун қилинди. Лекин хали уни Чирчиқдаги хибсхонада 20 минг киши билан сақлаб туришган эди. Уни хибсхонада имом этиб тайинлашди. Орадан сал вақт ўтгач уни Тошкентдаги «шайитлар кабристонига» олиб бориб отишди. Анашундай қисмат билан бу ёруғ дунё билан видолашди. Ундан Абдувахоб исмли бир ўғил қолди. 83 ёшли Абдувахоб Оллоқулов ҳозирда Шўрчи районидаги «Оқарбулоқ» (Жиндибулоқ) қишлоғида яшайди. Унинг ўғли Аваз Оллоқулов Бойсунда аجدодлари юртида умргузаронлик қилади<sup>2</sup>.

Эшниеъ Амин Юнусов (1889 Қўшбулоқда туғилиб, 1931 Тошкентда вафот этди. Отаси Юнус обкаш ўлганда (1910) 21 ёшда эди. Эшниеъ «Қўшбулоқ» нинг катта бойи-Мамаражаб Элбегининг хизматкори Юнус обкашнинг иккинчи фарзанди эди. Мамаражаб Элбегини молини боқар эди. Эшниеъ полвонсифат, шиддаткор, довюрак, чопағон, яхши мерган, Ўткир Ўйноқи кўзли, тўғри сўзли йигит бўлган. 1915 йилда Бойсундаги мадрасада чала ярим савод чикарди. Эшниеъ Юнус ўғли- кўнғиротнинг тортувли уруғига мансуб «Ур» кавмидан эди. Минг уйли «Қўшбулоқ» қишлоғида

---

<sup>1</sup> Экономика Узбекской ССР в условиях перестройки. Т., 1988. С.16. Узбекистан в мировой экономике. –Т., 1993. С. 53

<sup>2</sup> Первушин С. Об одной из глубинных причин кризисного состояния советской экономики. // Вопросы экономики. 1991, №8. С.3-4,

Бойсундан бор-йўғи 18 чақирим узоқда бўлиб, Эшнӣз Юнусов шу кишлоқда мударрислик қиларди. Кўп кишилар қатори Эшнӣз Амин ҳам вилоятда юз бераётган ҳарбий-сиёсий вазиятни моҳиятига тушуниб етмади. Шўровийлар учун ўз жонини фидо қилган, жуда кўплаб истиқлолчиларни ноҳақ ёстиғини қуритган Эшнӣз Юнусов 1931 йилда ҳибсга олиниб «Халқ душмани», «Ватан хоини» да айбланиб, суронли қатағон йилларини қурбони бўлди<sup>1</sup>.

Эшони Судур Саййид Тожиддинхон (Ўроқхон Қорахўжа) 1938, Бойсун) Олти уруғ тортувли кўнғирот уруғидан. Амир Олимхон салтанати даврида Бойсун беклигида дин-шариат қоида-қонунларининг бажарилиши назорат қилувчи амалдор бўлган. Унга Бухоро амири томонидан «Судур» унвони ва унинг белгиси сифатида махсус камар инъом этилган. Эшони Судур фарзандлари (Шамсиддин, Амириддин, Икромиддин, Самад, Умбар). Тарихчи К.Ражабовнинг ёзишича, Анвар Пошо 1922 йил 10-15 апрелда Кофрунда Туркистон Қурбошиларининг катта қурултойини Ўтказди. Унда Бойсунлик Хуррамбек, Ахмадбек, Икромиддин Хўжа, Мустафоқулбек, Соҳиб Камандир, Салимбек, Эшон Судур (Ўроқхон Қорихўжа) ва бошқа нуфузли сардорлар иштирок этишди. Истиқлолчи Эшони Судур инқилобий кўмига ишлаши билан бирга, истиқлолчи қурбошиларига, Анвар Пошшо лашкарларига озиқ-овқат, от-улов, керакли анжомлар билан таъминлаб туришда жонбозлик кўрсатди<sup>2</sup>.

Бойсунда Советларнинг жосуслик фаолиятини юритган Олимжон Акчурин истиқлолчи Эшон Судур билан яқин алоқада бўлиб, ошна-оғайин кириб, уни зимдан кузатиб, меҳмондорчиликка келиб кечалари ётиб, суҳбатлашиб, бирга намоз ўқиб чалғитиб, барча бўлаётган ишлардан воқиф бўларди. Охир-оқибат, татар миллатига мансуб О.Акчурин 1938 йилда ўз кўли билан Эшони Судурни отади. Газалик Самариддин Хусановнинг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўзбекистон қомуслар бош таҳририяти. -Т.: 639-641 бетлар

<sup>2</sup> Зиядуллаев С.К. Промышленность Узбекистана и основные экономические проблемы её развития. -Т., 1977. С.151.

айтишича, Эшони Судур «Кўктепа» мавзесида дафн этилган. Ҳозирда бу жой зиёратгоҳ ҳисобланади<sup>1</sup>.

1927 йилда «Оби» қишлоғи Омонтепа даҳасида яшаган, Оллоқул Қоравулбеги 35 таноб ери, тегирмон ва 2 та мойжувози, 4 бош қўш хўкизи, 1 бош оти, 1000 бошга яқин қўй-эчкиси тортиб олиниб, ўзини эса Сибирга сургун қилинди. Лекин у ҳали чирчиқдаги ҳибсхонада сақланиб турганида уни Сибирга эмас, тўғридан-тўғри «Шайидлар қабристони» олиб бориб отишди. Оила аъзолари хотини ва фарзандларини «Сурхон» қулоқлаштириш қишлоғига бадарга қилишди<sup>2</sup>.

1934 йилда «Пасурхи» қишлоғидан Усмон ҳожини «Кохбели» даҳасидаги 400 таноб ери, барча чорваси ва уй-анжомлари тортиб олиниб, қишлоқдаги «Қизил Шарқ» жамоасига олиб берилди. Уйи жамоа хўжалиги маъмурий идорасига айлантирилди, ўзини эса Сибирга сургун қилинди. Сурхондарё округида терговчи бўлиб ишлаётган ўғли Абдусаттор Усмоновга «Сен қулоқни ўғлисан отангни бойлигини бизга айтмабсан» деган сохта айб қўйилиб Ўз СССР ЖК бир неча моддаларига асосан қамоққа олиниб, Сибирга юборилди. Яна бир ўғли Абдуғаффор Усмоновга 10 йил қамоқ жазоси берилди. Мулла Раҳим ва Ҳолхўжа Баққол исмли ўғиллари Тожикистонга яшириниб кун кўрдилар<sup>3</sup>.

1932 йилда «Пасурхи» қишлоғидан ўзига тўқ оила бўлган Ҳамза Саид Ўғлини тегирмони, ери ва молу-мулки тортиб олиниб, «қулоқ» қилинган. 1932 йилда Пасурхи қишлоғидан ўзига тўқ оила бўлган Карим Жебачини ери ва молу-мулки тортиб олиниб «қулоқ» қилинган ва хоказо<sup>4</sup>.

Қизил империянинг зўравонлик сиёсати турли миллий ва халқларга мансуб инсонларни ўзлари туғилиб ўсган киндик қони томган она Ватани, юрти ва диёридан қувғин қилди. Сунъий асосда қурилган кўп миллатли улкан мамлакатнинг Европа қисмидан Ўрта Осиёга ва аксинча, шарқий

---

<sup>1</sup> Экономика Узбекской ССР в условиях перестройки. Т., 1988. С.16. Узбекистан в мировой экономике. –Т., 1993. С. 53

<sup>2</sup> Первушин С. Об одной из глубинных причин кризисного состояния советской экономики. // Вопросы экономики. 1991, №8. С.3-4,

<sup>3</sup> Солиев С. Новый этап социалистического соревнования. –Т.: Узбекистон, 1975, 183 с.

<sup>4</sup> Қорабоев С. Ўзбекистонда Ленинча индустриштириш тажрибасидан. –Т.: Ўзбекистон, 1974, 228 б.

худудлардан Кавказдан Сибирга, Сибирдан жанубга қувғин қилиб, хонавайрон этди. Турли миллатлар, элатларни аралаш –қуралаш қилиб ташлаганлиги рус бўлмаган халқлар учун ғоят қимматга тушгани эндиликда сир эмас.

Бундай манфур сиёсатнинг юритилишидан ҳукумрон миллат ўзининг гегимонлик сиёсатини абадийлаштиришни, рус бўлмаган миллат халқ ва элатларни руслаштириш мақсадини ва ниҳоят маҳаллий халқлар устидан қатъий назорат ўрнатиб, улар устидан ҳукумронлик қилиш мақсадини амалга оширишни, уларни ўз тилидан бой ўтмиши тарихидан, миллий анъаналаридан ва маънавиятидан маҳрум этди, миллий халқларнинг урф-одатларини зўравонлик билан поймол этгани эндиликда очиқ-ойдин аён бўлиб қолди.

Совет ҳукумати ва ҳукумрон миллат ўзини бу манфур сиёсатини амалга ошириш учун уларни кўрқитиб сталинча қатағонлик Катлиом зуғумини зўрлик билан ижро этгани миллатлар, халқлар ва элатлар хотирасида ўчмас қора доғ бўлиб қолганини асло унутиб, у машъум кунларни тарих саҳифаларидан ҳеч қачон ўчириб бўлмайди. Миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига чанг солингани тасаввур қилиб бўлмайдиган катта жиноят ва хиёнат эканини авлодлар асло кечирмайдилар. Узоқ Бошқирдистон Республикасининг маркази Уфага яқин Дурб эли районида катта бой ва хожи Тилақобил мулла Иброҳим ўғли, Бошқирдистонлик барча бойлар қатори қулоқ қилиниб, молу-мулки, ери ва ҳайвонлари мусодара қилинди. Ўзлари эса Ўзбекистоннинг Бойсун туманига сургун қилинди. Бой фожиали ўлдирилди. Унинг хотини- Музаяна, қизлари Малохат ва Маъмура ўғиллари Ризо ва гўдак узоқ 1928 йилда Бойсунга етиб келдилар. 1932 йилда Музаяна ва қизи Малохат очлигидан ҳаёт билан видолашдилар. Ризо билан Маъмура болалар уйига топширилди. Улар ўқиб тарбия олиб вояга етдилар. Ризо ҳисобчи, Маъмура (китоб муаллифи илк алифбодан сабоқ берган устози) ўқитувчи касбини эгалладилар<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Турсунов С.Н ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. -Т.: 2004, Шарқ, 605-бет,

Ўзбекистон ва унинг тоғли Бойсун райони уларнинг иккинчи ватани бўлиб қолди. Бундай қувғинликка учраб, сарсон-саргардон бўлганлар оғир қисматларни ўз бошидан кечирганлар. Жумладан, шундай инсонлардан бири Барот Каримовдир. У 1907 йилда узоқ Татаристон Республикасининг Қозон шаҳрида туғилган. Бу оилани 1929 йилда Бойсунга бадарға қилинди. У тўғридан-тўғри Хўжабўлғон қишлоғидаги 36 сонли мактабга ўқитувчи этиб юборилди. 1926 йилдан ўқитувчилик фаолиятини бошлаган ушбу инсон 1944 йилда эски сил касали билан вафот этди. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1943) бўлган. Б.Каримовни онаси, хотини ва 15 яшар кизига нафақа тайинлангани ва бу нафақани унинг укаси Каримовга беришни сўраб Ўзбекистон Олий Кенгашидан сўралган. Аммо даҳшатли уруш туфайли нафақа хал этилмаган. Бу оилани қисмати шу билан тугаган, охир-оқибат ҳаммалари бу ёруғ олам билан видолашган. Уруш бошланиши арафасида Бойсунда 12 та қишлоқ кенгашлари, 55 та жамоа хўжаликлари бўлиб, аҳоли сони 34790 нафар кишини ташкил этди<sup>1</sup>.

Район кенгаши ва унинг ижроия қўмитаси ўзининг сессия ва мажлисларида халқ хўжалигини ривожлантириш, йўл қурилиш, ижтимоий-маданий ва маиший объектлар қурилиши, халқ истеъмоли товарлари ва маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш, ободонлаштириш, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, маданият ва аҳолига хизмат кўрсатишга оид бошқа масалаларни муҳокама этиб борган.

---

<sup>1</sup> Зиядуллаев С.К. Промышленность Узбекистана и основные экономические проблемы её развития. –Т., 1977. С.151.

## **2.БОБ. МУСТАБИД ТУЗУМНИНГ ПАХТА ЯККА ҲОКИМЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ ҚАТОҒОНЛИК СИЁСАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ –СИЁСИЙ ОҚИБАТЛАРИ.**

### **2.1.Пахтачиликни ривожлантириш сиёсатининг амалга оширишда коммунистик мафкуранинг тайзиқи.**

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида Ўзбекистоннинг советлар даври тарихида кам ўрганилган мавзулардан бири колхозлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш ва улар билан боғлиқ деҳқонларнинг аянчли қисмати, умуман миллий қишлоқлар фожеаси масаласидир. Совет даврида бу мавзу ўрганиш учун ман этилган эди. Президентимиз И. Каримов 1999 йил 12 майда «Шўро тузуми даврида Ватанимиз истиқлоли ва озодлиги йўлида, миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлар учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва тазйиқларга дучор қилинган ватандошларимиз номларини аниқлаш фаолиятларни ўрганиш, хотираларини абадийлаштириш мақсадида» эълон қилинган фармонларимизда<sup>1</sup> «Шўро тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойий инсонлар, шаҳид кетган зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меъросини ўрганиш» зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрда «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисидаги ва 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги» қарорлари Ўзбекистон бу борадаги ишларга нақадар катта эътибор берилаётганлигининг ёрқин ифодасидир. Ўзбекистон XX аср 20-30 йилларда конфирқа ва советлар катта сиёсий фитна ўйинларни ишга солиб, бир томондан, миллий истиқлолчиларга, жадидларга, миллий арбоб ва ходимларга қарши қирғинбарот қўллади, иккинчи томондан, советлар томонидан ўтганларга умумий авф қилиб, бир оз вақт ўтгач, уларни бирма-бир қатағон қиличидан

---

<sup>1</sup> «Ватанпарвар». 1999 йил 13 май

ўтказди. Тарихимизнинг ана шу аянчли саҳифаларини ёритиш, қатағон қилинган ватандошларимизни номма-ном аниқлаш, уларни фаолиятини ўрганиш тарих фанининг муҳим вазифаларидан биридир. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлда «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори<sup>1</sup> ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майда «Қатағон қурбонларни ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги фармойиши<sup>2</sup> катта имконияти уфқларини очиб берди. мустабит совет тизими даврида қатағон этилган фидойи ватандошларимизни аниқлаш, номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида пойтахтдаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида «Қатағон қурбонлар хотираси музейи» нинг ташкил этилиши бу тадбирнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим ижтимоий сиёсий, маънавий мафкуравий масала эканлигини кўрсатди.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида кулоқлар «қишлоқ буржуазияси», «аксилинқилобчилар», «халқ душманлари», «социализм душманлари», «колхоз душманлари» деган ҳақоратомуз, салбий, ёмон отлиқ номлар билан аталиб келингани ҳаммага маълум. Ўзбекистон истиқлоли айна тарихимизнинг ана шу ачинарли, аламли саҳифасини ёритишга имкон яратди. Бунда Президент Ислон Каримовнинг 1999 йил 12 майидаги фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори катта имконият уфқларини очиб берди. Қарорда мустамлакачилик даврида қатағон қилинган фидойи ватандошларимизни номма-ном аниқлаш, шаҳид бўлган юртдошларимиз номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жилдлик «Қатағон қурбонлари» хотира китобини яратиш, шунингдек, хориждаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа имлий-маърифий муассасалар, мутахассислар билан алоқа ўрнатиш, ватандошларимиз ҳаёти, фаолиятига оид чет эллардаги мавжуд манбаларни излаб топиш ва ўрганиш мақсадида илмий экспедициялар ташкил этишдек

---

<sup>1</sup> «Халқ сўзи», 1999 йил 23 июль

<sup>2</sup> «Халқ сўзи», 2001 йил 2 май

улуғвор, илҳомбахш вазифалар белгилаб берилди. Мустакиллик йилларида халқнинг уйқудаги тарихи, маънавияти, миллий мафкураси уйғотилди. Ўз-ўзидан равшанки, Ўзбек тарихшунослиги олдиға ҳаётнинг ўзи тарихимизнинг «оқ доғлари» ҳисобланмиш колхозлаштириш ва у билан бевосита боғлиқ бўлган «қулоқлар» тарихини тадқиқ этишни кўндаланг вазифа қилиб қўйди. Нохакдан қулоқ сифатида сургун этилган, қатағон қилинган, Ўзга юртларда шахид, кетган, кафансиз, жанозасиз қўмилган юртдошларимизни номма-ном аниқлаш, уларнинг бегона юртларда ва Ўз зимамиздаги мислсиз оғир, фожеали ҳаёт ва фаолиятини, пахтачилдикдаги оғир меҳнатини, бунёдкорликларини, иккинчи жаҳон урушидаги иштирокларини, ниҳоят, фожеали қисматини чуқур ўрганиш тарих фани олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди. Совет ҳукумати жамоалаштиришга қаршилиқ курсатганларни ва Марказ режасига тусқинлик қилганларга қарш оммай отиш ва ўлдириш билан биргаликда сургун ҳамда қотоғон қилиш сиёсатидан кенг фойдаланди. Шўрчи районида 1918-1926 йиллар Мамадибой, Қаршибой, Худойбердибой, Давлатбойларнинг мол-мулклари мусодара қилиниб, ўзлари сургун қилинди. Бойсун туманидан тўқсабо Фузаил ўғли Қаноатни 35 таноп ери ва бошқа мол-мулклари, Умар ўғли Норкулни 17,5 таноп суғориладиган, 3 таноп унумдор ери, ёр тегирмони ва бошқа мол-мулклари, Амир ўғли Махсум Жўранинг 39 таноп суғориладиган ва 39 таноп ҳосилдор ери ва бошқаларнинг мол-мулклари мусодара қилинди<sup>1</sup>. 1927 йилда оммавий тарзда деҳқонларнинг мол-мулкини тортиб олиш, мусодара қилишда мустабид тузум ўз зулмкорлик сиёсатини янада кучайтирди. Бу мудхиш тадбирлар халқни ниҳоятда оғир турмуш кечиришига сабаб бўлди. Мустабид совет режимининг бадавлат ва ўрта ҳол деҳқонларни қишлоқ буржазияси сифатида тугатиш сиёсати (1929-1933) Ўрта Осиёда ер-сув ислоҳоти ўтказилиши жараёнида қишлоқлардаги бадавлат хонадонларни «Муштумзур», («Қулоқ») сифатида бадарға қилиш бошланган. Бу ислохот давридаёқ фақат Бойсун районида 523 ўрта

---

<sup>1</sup> Тухтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва уни «социалистик» асосда санатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар). Диссер. Тарих фанлари номзоди. –Т., 2001

мулкдорларнинг хўжаликлари тугатилган ва уларнинг ерлари мусодара қилинган эди. Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш (коллективлаштириш) давридан бошлаб қулоқларни синф сифатида тугатишга жиддий тайёргарлик кўрган. ВКП(б)МК Сиёсий бюросининг «Ёппасига жамоалаштириш» жараёнларида қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида» ги қарори ва ВКП(б)МК Ўрта Осиё бюросининг «Қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида» ги кўрсатмалари (1930 йил 26 январ) асосида Ўзбекистон Компартияси МК 1930 йил 17 февралда «Коллективлаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилган<sup>1</sup>. Ўзбекистон ССР да қулоқ хўжаликларини тугатиш компанияси шу қароридан сўнг авж олган. Қулоқлар сифатида рўйхатга олишган бадавлат хўжаликларнинг молу-мулки тўлиқ мусодара қилиниб, уларнинг оилалари ўзга юртлар (Украина, Шимолий Кавказ, Сибир, Қозоғистон, Узоқ Шарқ ва ҳоказо) га сургун қилинган. Шунингдек республикаимизнинг Ўзида қулоқлар учун махсус концентрацион лагерлар ва кўчириб келтирилганларнинг 17 та мажбурий меҳнат посёлкалари ташкил қилинган.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида совет ҳокимиятига қаршилик қилган «Қулоқ» лар эса қамоққа олинган ва отиб ташланган. 1933 йилда «Қулоқлар» сиёсати асосан амалга оширилиб, 1934-1937 йилларда ҳам кўплаб бадавлат деҳқон хўжаликлари «Қулоқ» қилиниб, совет режими қишлоқда ўз ҳокимиятини тўла ўрнатиб, жамоалаштиришни амалга ошириб бўлгач, сургун қилишган «Қулоқ» хўжаликларига нисбатан ўз сиёсатини биров «юмшатган». СССР МИК 1934 йил 27 майда «Собиқ қулоқларнинг гражданлик ҳуқуқларини тиклаш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилиб, унда «Қулоқлар»нинг сайлов ҳуқуқлари тикланган. Иккинчи жаҳон уруши даврида (1942 йилда) меҳнат сургунлида бўлган «Қулоқлар» ҳаракатидаги армия сафига чақирилиб, фронтга жўнатилган<sup>2</sup>. Совет тузуми даврида қулоқликка тортилиб, сургун

---

<sup>1</sup> Турсунов С.Н. Қобилов Э.О. Пардаев Т.Р. Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида -Т., «Шарқ» 2001 й. 313-377 бет.

<sup>2</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет советской власти – юбилейней стат-ежегодник Тошкент-

килинганлардан тирик қолганларнинг эркин фуқаролик мақомини олиб, Ўз юртига қайтиш 20 йилдан ортиқ вақтни (1934-1956) Ўз ичига олади. 1925 йил 1-декабрда Бойсун уезди тузулиши муносабати билан қуйидаги таркибда ташкилий қўмита тузулган. Соибов Тошмат маъсул котиб, Юсупов Жўрали-ташкилий бўлим мудир, Усмонов-маъсул котиб, ёшлар ташкилоти бўйича, Хўжаев Тўра ташкилий бўлим мудир, ёшлар билан ишлаш бўйича, Хидирназаров Мирзабағзам касаба уюшма раиси, Тоғаев Собир касаба уюшма Раис муовини, Уранов Мирзоомон «Қўшчи» уюшмаси раиси, Бердиёров Муллақулбой «Қўшчи уюшмаси раис муовини, Хўжа Муродов уезд ижро қўмита раиси этиб сайланган<sup>1</sup>. 1925 йил 1 июлда Бойсун ёшлар ташкилотига қуйидаги таркибда сайланиб, Собиров –маъсул котиб, Шелихов Василий-ташкилий бўлим бошлиғи, Хата Менданов-иш юритувчи. Совет ҳукумати сиёсатида миллий камситиш ва қатағонлик асосий йўналишлардан бири қилиб олиниб, ушбу масала бўйича 1931 йилда инқилобий қонунчилиги ишлари бўйича 1 халқ суди, халқ терговчиси ва прокурор иш юритди<sup>2</sup>. Мустабид тузум ўз мақсади йўлида ҳеч кимни аямади, ўч олиш, қириш, оммавий сургун ва қатағонликни оддий бир ҳолатга айлантирди. 1949 йил 10 октябрда «Агроном» колхозини аъзоси, камбағал оиладан чиққан Холназаров Исмаил «Бир қоп пахта ўғирлади» деб сохта айб қўйилиб, ўз СССР жиноят кодексининг 113 моддаси 2 қисми билан айбдор топилиб, 25 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Россиядаги Волга-Дон канали қурилишига юборилди.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида 1934 йилда район фирқа қўмитасининг биринчи раҳбари бўлиб ишлаётган Зокиров оғзаки буйруғига асосан «Бойсун район марказидаги оромгоҳда (парк) ги 2 донга оддий дарахтни кестириб юборганлиги учун» Ўз СССР Жиноят Кодексининг 112 моддаси 3 қисми билан айбдор топилиб, ишдан олиниб, суд жавобгарлигига тортилиб 4 йил қамоқ жазоси белгиланди. Энг муҳими миллатни бир-бирига қарши қўйиш, миллий урф-одатлари,

маданияти умумўхшаш бўлган маҳаллий миллатлар ўртасида низолар чиқаришдан унумли фойдаланилди<sup>1</sup>. Архивларда сақланаётган ҳужжатларни таҳлил этишда шу нарса алоҳида ўрганилдики, кўплаб тергов ҳужжатлари сохта, қалбаки тузулиб, айбдор нима айб қилганлигини билмасдан, кўрқитиш, уриб ҳақоратлаш, майиб – мажрук қилиш туфайли имзо қўйишни билмасдан Ўз бармоқларини босиб гумон билан айбдор деб топилиб жазога ҳукум этилган. 1932 йилда Газа қишлоғидан «Бирлик» жамоа хўжалиги раиси Алимардон Худойберидевга «Афғонистон» ҳукумати билан алоқада бўлиб, кўплаб маълумотлар етказиб беришда» айбланиб қамоққа олинди. Унга Ўз СССР ЖК 77 моддаси 1 қисми билан совет ҳокимиятини йўқотмоқчи деган сохта айблар қўйилди. Жисмонан бақувват иродали бу инсонга нисбатан қўлланилган усулларга қийноқларга бардош берди. Уч кунлаб бўйнигача муздек сувга тик туриш, ўтиришга рухсат бермаслик, овқат бермаслик, тўппончадан унга қаратиб ўқ узиш каби усуллар қўлланилди<sup>2</sup>. Аммо бу сохта айблар судда ўз исботини топмади. Ва суд залидан озод этилиб, жамоа хўжалиги раислигига тикланди. Сурхон воҳасининг айрим туманларида бундан ҳам оғир мудҳиш усуллар қўллашган. Масалан, Шеробод районида деб ёзади Мартиненко-Павлосвкий деган ЧК ходими- қамоққа олганларнинг сўроғи пайтда уларнинг соқол-мўйловлари тукини битталаб юлиб олиш услуги қўлланилган. Махбусларни «Сайратиш» учун уларнинг жинсий аъзоларига спирт, турли бўёқлар суркалган, оғизларига эса ипак қурти пилласи тикиб қўйилган. Бу ишлар маълум бўлиб қолгач, ходимни жазолаш ўрнига бошқаларга унинг услуб намуна қилиб кўрсатилган<sup>3</sup>. «Оби» маҳалласидан Мулло Саид Охунд ва «Тузбозор» қишлоғидан Мулла Жўра Охундовлар истиқлолчилар саркорларидан бири «Сохиб командир билан ўзаро тил бириктириб «Босмачилар»га ёрдам берди улар «Афғонистон» ни жосуслари деб сохта

---

<sup>1</sup> Қобилов Э.О. Сурхондарё саноатининг илк одимлари.-Термиз.; «Жайхун», 1993 й. 114 -б.

<sup>2</sup> Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг Ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик - таракқиёт асоси. Т., 2001. - Б. 143.

<sup>3</sup> Тухтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар). Диссер. Тарих фанлари номзоди. –Т., 2001

айб қўйилиб, уларни 30 таноб ерлари ва бошқа молу-мулки тортиб олинди. Ўзбекистон СССР ЖК 78 модда 2 қисми билан айбдор деб топилиб, суд ва терговсиз Бойсуннинг жанубий шарқида жойлашган «Қизил» мавзесига олиб бориб отиб ташланди. Уларни отиб ташлаган жойида ҳозирда қабрлари сақланган. 1927-1939 йилларда бундай ҳолат кучайиб, Ҳовуз қишлоқ Кенгашидан 6 киши, Хўжабўлғон қишлоқ Кенгашидан 11 киши, Деҳқонобод қишлоқ Кенгашидан 9 киши, Инкабод қишлоқ Кенгашидан 4-киши, Дарбанд қишлоқ Кенгашидан 8-киши, Шўроб қишлоқ Кенгашидан 3-киши, Қўрғонча қишлоқ Кенгашидан 5 киши, қулоқ сифатида Сибир ва Қозоғистонга сургун қилишади. Маҳаллий аҳолини оммавий қулоқ қилиш, мол-мулкни талаш, кўзга кўринган деҳқончилик илмини яхши билганларни отиб ташлаш, уларга бўхтон уюштириб, хибсга олиш кучайиб борди<sup>1</sup>. Мустабид тузум сиёсий мафкурасининг асл қиёфасини турли йўналишлар, хийла-найранглар билан яширишга уруниб, Ўзбек миллатининг кўзга кўринган фидоийларини йўқ қилиш, қириб ташлаш билан шуғулланиб, қатағонлик усулини кенг қўллади<sup>2</sup>. Ўзбекистоннинг 1920-1930 йилларидаги тарихи, жумладан Совет ҳокимияти олиб борган «Қулоқлаштириш» сиёсати фожиали оқибатларга олиб келди. Ислон Каримов сўзи билан айтганда, ўша мустабид советлар тузуми «Қаттол замон» тақозоси билан ўз даврида бири «Қизил аскар», бири «Босмачи», бири «Қулоқ», бири «Комиссар», яна бири «Муштум зўр», яна бири «Йўқсил» деб гуруҳларга ажратиб ташланди. Бўлиб ташлаш, ҳукумронлик қилиш учун энг маккор усуллар ишга солиниб, бир миллат вакиллари бир-бирига қарши қайраш, адоват ва низо уруғини солиш амалга оширилди. «Шу боис,-деб кўрсатди йўлбошчимиз,-ота боболаримизга ана шундай ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигингиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган давр моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим»<sup>3</sup>. 1929-1934 йилларда Бойсундан 523 киши

---

<sup>1</sup> Турсунов С.Н. Қобилов Э.О. Пардаев Т.Р.Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида -Т., «Шарқ» 2001 й.313-377 бет.

<sup>2</sup> Тухтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни “социалистик” асосда сановатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар). Диссер. Тарих фанлари номзоди. –Т., 2001

<sup>3</sup> И.Каримов «Туркистон» газетаси 1999 йил 2 феврал.

кулоқ қилинган. Шундан 308 киши турли муддатларга қамоққа олинган. Шу жумладан кулоқлардан 50 киши, руҳонийлардан 49 киши, муллолардан 16 киши, савдогарлардан 44 киши, бошқалардан 52 киши ноҳақ ҳеч қандай айбсиз жазога ҳукум этилган. Ўша давр тақозосига кўра кулоқлар рўйхатини туман молия бўлими олиб борган. Район ижроия кўмитаси, туман молия бўлими ва коммунистик фирқа вакилидан иборат бу «учлик» ташкилот рўйхатига тушган хўжалик, охир-оқибат кулоқ қилинган. Пасурхи қишлоғидан Қурбонбой, Шукурбой, Улуғбойларни 5-10 танобдан ери, иш ҳайвони ва чорва моли борлиги учун, кулоқ қилинган. Қулоқ деҳқонлар билан бир қаторда ўрта ҳол ва камбағал деҳқонлар ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар<sup>1</sup>. Советларнинг Ўзбекистон сингари миллий республикаларга нисбатан ўтказган шовинистик сиёсатининг фожеаларидан бири шу бўлдики, улар 1925-1929 йилларда ер-сув ислоҳотини ўтказиш баҳонасида қишлоқларда янги ижтимоий зиддиятлар келтириб чиқаришга эришди. Бу ислоҳот туфайли ер-сув ишлаб чиқаришнинг бошқа воситалари миллат бойларига қарашли ерлар мусодара қилинди. Советлар бу мулкларни камбағалларга бўлиб бериб, қишлоқ хўжаликларидаги феодал қолдиқларга барҳам бермоқчи бўлди. Ерлар билан бирга деҳқонларнинг иш ҳайвонлари, меҳнат қуроллари, асбоб-ускуналари ҳам мусодара қилинди. Ер-сув ислоҳоти баҳонасида ўтказилган бу компания даврида кўплаб «кулоқ хўжалик» лари синф сифатида тугатилди. 1927 йилда Бойсунда 54 кишидан иборат қассоблар, баққоллар, чойхона эгалари, қандолатчилар сайлов ҳуқуқидан марҳум қилинган. Жарима солиш, мулкни мусодара қилиш, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш, қамоққа олиш, ўзга юртларга бадарға қилиш оммавий тус олган жазо чоралари бўлиб қолганди. Ўзига тўқ, тадбиркор фаол деҳқонлар қатлами ана шу тариқа қатағон қилинган эди. Кулоқ қилинганлар ҳар бирининг даромади пул ҳисобида кўрсатилиб, уларни кулоқ деб аташ учун мезон қилиб олинган. ВКП(б)МК Сиёсий бюросининг «ялпи жамоалаштириш туманларида кулоқ хўжаликларини

---

<sup>1</sup> Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг Ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик - тараққиёт асоси. Т., 2001. - Б. 143.

тугатиш тўғрисида» ги мудхиш қароридан сўнг янада кучайди<sup>1</sup>. Қулоқ қилиш, жамоалаштириш (колхозлаштириш) ишларига аксарият чаласовод, юқоридан берилган топшириққа ақли етмайдиган, қишлоқ хўжалиги ортели низомини билмайдиган, савияси паст кишилар раҳбарлик қилишди. Оқибатда зуравонлик зулум, ўч олиш, ўрта ҳол хатто камбағал деҳқонларни кўп қулоқлар рўйхатига тиркаб юбориш ҳоллари кўп бўлди<sup>2</sup>. Юқорининг кўрсатмасига мувофиқ қулоқлаштириш жамоалаштиришнинг натижаси бўлиши, яъни аввал ихтиёрий равишда колхоз тузиш, кейин қулоқларни синф сифатида тугатиш ишлари амалга оширилиши керак эди. Бу масала қишлоқ советлари қошидаги камбағал батрақлар кенгашида муҳокама қилинди. Жойларда эса аксинча аввал деҳқонлар қулоқ қилинди. Кейин колхозлар тузулди. Одамларга агар колхозга кирмасанг хибсга олиниб, қулоқ қилиниб бадарға қилинасан, ер-сувдан, ғалладан саноат молларидан, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинасан каби дўқ-кўрқитувлар билан жамоалаштириш ўтказилди. Бойсун районида Тўқсабо Фузаил ўғли қаноатнинг 35 таноб ери бошқа молу-мулклари, Умар ўғли Норқулнинг 17,5 таноб суғориладиган, 32 таноб унумдор ери, ёғ тегирмони ва бошқа молу-мулклари, Амир ўғли Махсум Жўранинг 39 таноб суғориладиган хосилдор ери ва бошқаларнинг молу- мулклари мусодара қилинди. Шаит ва Пасурхи қишлоқларидаги 23 ўзига тўқ деҳқон, 46 ўртаҳол деҳқон хўжаликлари тугатилди. Бундан ташқари хўжаликлардаги 34 якка деҳқон, 16 муддарис, муфти, 4 савдогарга таллуқли молу-мулклар тортиб олинди. Йирик ер эгаси Суюн Пинхос ўғли ихтиёридаги 600 гектар экин майдони зўрлик билан тортиб олинди. Унинг шахристон марказидаги 13 та дўқони мусодара қилинди<sup>3</sup>. Илм-маърифат ва маданий покликка даъват этувчи ислом динига ҳам кескин зарба берилди. Шаҳар марказидаги 2 та кичик мадраса ёпиб ташланди ва талабалар қаттиқ сиқувга олинди. Узок асрлар

---

<sup>1</sup> Турсунов С.Н. Қобилов Э.О. Пардаев Т.Р. Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида -Т., «Шарк» 2001 й.313-377 бет.

<sup>2</sup> Тухтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар). Диссер. Тарих фанлари номзоди. –Т., 2001

<sup>3</sup> «Сурхондарё» альбоми. -Т.: Шарк, 1997, 220 бет

давомида яратилган қимматбаҳо ва нодир китоблар, қўлёмалар миллий санъат обидалари йўқ қилинди. Қўрғондаги хашаматли Бек саройи, масжидлар, мадраса, хурофот белгиси сифатида бузиб ташланди. 1927 йилдан бошлаб оммавий тарзда деҳқонларнинг молу-мулкини тортиб олиш, зўрлаб мусодара қилиш оқибатида туман худудида оммавий халқ қўзғалони, қаршилик кўрсатиш ҳаракати бўлиб, кетмон, болта, шоха ўроқ билан қуролланган, эзилган халқ оммаси қизил босқинчиларга қарши озодлик курашига чиқдилар<sup>1</sup>. 1929 йилда йирик ер эгаси яҳудий Суюн Пинхос ўғлининг шаҳар марказига туташ ерида «Агроном» ва «Ҳамза» жамоа хўжалиги тузилди. Унинг барча молу-мулкини жамоа хўжалиги ихтиёрига олиб берилди. Ўзи эса номаълум сабабларга кўра бадарға қилинди. Районда мажбуран колхозга киритилган деҳқонларга «агар колхоздан чиқадиган бўлсанг қулоқ қилинасан» деб тушунтирилган. Колхоздан фақат қулоқлар чиқиб кетади деган умумий шиор Ўртага ташланган. Маъмурий-бўйруқбозлик тартибининг кучайишига қарши деҳқонларнинг норозилиги ўсиб борди. Айрим жойларда «Босмачилик» яъни истиклолчилик ҳаракати қайтадан бошланди<sup>2</sup>.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида Хўжамшукур Тўқсабо - (1880-1920 Бойсун, Кўктепа) чиғатой ўзбекларнинг тўғиз уруғидан бўлган Мулло Қора. (Ахмад Шукуровнинг отаси хонадонида таваллуд топган). Шўро ҳукуматига қарши кураш ҳаракати раҳбарларидан бири. Бойсундаги «Ҳолосия» мадрасасида сабоқ олган. 1914 йилда Бойсун беги хузурида қилган хизматлари эвазига қоравулбеги кейинчалик Бухоро амири томонидан тўқсабо яъни лашкарбоши лавозимларига кўтарилган. Хўжамшукур оилада иккинчи фарзанд, тўнғичи Мулло Болта, учинчиси Мулло Бўрибойвачча бўлган<sup>3</sup>.

Ёшлигидан илмга чанқоқ бўлган Мулло Қора барча фарзандларини Ўқитиб вояга етказган. Хўжамшукур оилада жангари ва жасурлиги билан

---

<sup>1</sup> Жалолiddин Мирзаев. «Термиз тарихи» китоби. «Шарқ» 2001.120 бет.

<sup>2</sup> Турсунов С.Н. Қобилов Э.О. Пардаев Т.Р.Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида -Т., «Шарқ» 2001 й.313-377 бет.

<sup>3</sup> Жалолiddин Мирзаев. «Термиз тарихи» китоби. «Шарқ» 2001.120 бет.

бошқалардан ажралиб турарди. Хўжамшукур камгап ва адолатпеша инсон эди деб эслайди, уни таниган Бойсунлик қариялар «Мен-отам Парда Тоға ўғлидан эшитганман-деди унинг тоғаваччаси 80 ёшли Норкул Тоғаев Хўжамшукур тўқсабо зийрак, жасур, адолатли инсон эди. Унинг иниси Бўри бойвачча (асл исми Мулло Хазраткул) ишчанлигидан, уддабуронлигидан Бўри лақабини олган. Тижорат, савдо-сотик билан шуғулланар эди. Беклик марказида дўкони бор эди. Хисор, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Карки бошқа жойлардан мол-олиб келиб, савдо қиларди. 20 дан ортиқ туяси, карвонбоши ва қўриқчилари бўлган. Туяларини безатиб, орқа ва олдинги оёқларига кўнғироқлар осиб қўярди. Сакратмадан тушиб келаётганида, халқ кўрсин деб, шу ишни қилар экан ана шу хислатлари учун Бойсунликлар уни Бўрибойвачча деб ном қўйган<sup>1</sup>. Бойсунлик қарияларни эслашларича Хўжамшукур ҳам, Мулло Хазраткул ҳам етим-есирларни бошини силади. Бойсундаги Тимда (ёпиқ бозор) ҳар куни юзлаб етим-есирларга нон ва овқат тайёрлатиб тарқатиб берарди. Хўжамшукур Тўқсабо-юрти, ватанини химоя қилиш мақсадида бостириб келаётган қизил империя босқинчиларига қарши Сурхон водийсидаги миллий-озодлик курашининг илк босқичидаёқ жанг майдонига кирди. У истиқлолчиларнинг Иброҳимбек, Давлатманбек, Жўрахон Маҳсум, Норкул тўқсаболардан кейинги тан олинган йирик курбошиси эди. Афсус, номаълум сабабларга кўра улар қўлга олиниб 1920 йил декабр ойида ака-ука Мулло Болта, Хўжамшукур тўқсабо ва Мулло Бўрибойвачча (Мулло Хазраткул)лар халқни кўз олдида ҳозирги Кўктепа манзилига олиб келиниб отиб ўлдирилди. Тўғри булар бугунги мустақиллик кунига етиб келмаган бўлсаларда, улар руҳипоклари замонлар отиши билан бизгача етиб келди. Улардан қолган зурриётлар ҳаёт давомчиларидир<sup>2</sup>.

Сохиб Мамадали ўғли - (1888 йил Оби маҳалласи, Бойсун) савдогар, тижоратчи Мамадалибой хонадонида таваллуд топган. Дурмон уруғидан. Мамадалибойнинг ота авлодлари дурмонлардан, унинг онаси Шерободдаги Пошхурд қишлоғидан келин бўлиб тушган. Мамадалибойни иккита хотини

---

<sup>1</sup> Солиев С. Новый этап социалистического соревнования. –Т.: Узбекистон, 1975, 183 с.

<sup>2</sup> Қорабоев С. Ўзбекистонда Ленинча индустриаллаштириш тажрибасидан. –Т.: Ўзбекистон, 1974, 228 б.

бўлган. Биринчи хотини Ашурҳолдан туғилган, оилада иккинчи фарзанд бўлган. Сохиббой дастлаб қишлоқ мактабида савод чиқаради, кейин эса Бойсун беклиги марказидаги «Ҳолосия» мадрасасида таҳсил олади<sup>1</sup>.

Тарихчи К.Ражабовнинг таъкидлашича Пошшо 1922 йил 10-15 апрелда Кофрун (Бойсун) да Туркистон Қурбошиларининг катта қурултойини ўтказди. Унда Бухоро қурбошиларидан ташқари Фарғона водийсидан келган ҳарбий қўмондонлар ҳам иштирок этади. Шунингдек қурултойда турк зобитлари, Афғонистондан Саййид Олимхон юборган вакиллари ҳам қатнашди. Турк зобитларидан Дониёлбек, Афанди, Хожи Самий, Сурайё Афанди, Али Ризо, Мухиддинбек ва Мухрдор Хўжамурод Миродов, қурбошилардан Эшон Султон, Давлатманбек, Иброҳимбек, Абдуқайом Парвоначи, Тоғай Сари, Барот, Алимардонбек Фарғонадан Ботир Рўзи, Қаршилиқ Бўри Баттош, тўқсабо, Ўтанбек, Шаҳрисабзлик Жаббор кенагас, Бойсунлик Хуррамбек, Аҳмадбек, Икромиддин Хўжа, Мустафоқулбек, Сохиб командир, Салимбек, Эшони Судур (Ўроқхон Қорахўжа), Миршодилиқ Азимбек ва бошқа нуфузли сардорлар иштирок этишди<sup>2</sup>.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида 1925 йилда Шарқий Бухорода босқинчилар ўз мавқеларини анча-мунча тиклаб олган эди. Улар кўплаб истиқлолчиларни ҳар хил алдов, сохта гап-сўз билан ўз томонларига ағдариб олишга эришишдилар. Ана шундай баландпарвоз алдовларга учганлардан бири Сохиб командир бўлди. Бойсунлик қарияларнинг айтишларича, 1925 йилда Сохиб командир ўз отряди билан келиб қизилларга қўшилди. Шўро ҳукумати Сохиб командирни ўзини туғулиб ўсган «Оби» маҳалласига оқсоқол этиб тайинлади. Орадан 3-4 йил ўтгач 1929-1932 йилларда жамоалаштириш баҳонасида кўплаб ўзига тўқ оилаларни мол-мулки тортиб олиниб, ўзларини «қулоқ» сифатида Сибирга, Қозоғистонга сургун қилиниб, айримлари суд-

---

<sup>1</sup> Первушин С. Об одной из глубинных причин кризисного состояния советской экономики. // Вопросы экономики. 1991, №8. С.3-4,

<sup>2</sup> Зиядуллаев С.К. Промышленность Узбекистана и основные экономические проблемы её развития. –Т., 1977. С.151.

терговсиз отиб ташланди. Қатағонлик авжига чиқди. Бундай ноҳақликларни кўриб турган Соҳиб командирга ҳам навбат етиб борган эди<sup>1</sup>.

Навбат уни ҳам йўқ қилишга келдганда ўзининг яқин-ишончли маслахатчилари орқали билиб, олиши натижасида 1932 йилда Бойсунни тарк этиб, Афғонистонга муҳожирликка жўнаб кетади. Унинг кейинги тақдири номаълум бўлиб қолди.

Дахшатли суронли Инқилобий қонунларга кўра, Соҳиб командирга ўхшаб ўз жонини сақлаб, оиласи ва бола чақасини олиб муҳожирликка кетиб қолганларни, қариндош- уруғларидан ўч олиш, уларни молу-мулкани тортиб олиш, ўзларини суд-терговсиз отиб ўлдириш авжига чиққан эди. Бойсунлик Мулло Саид ва Мулло Жўра Охунлар ана шундай бедодлик қурбони бўлдилар. Халқ орасида катта ҳурмат-эътибор топган, Қуръони Карим ва ҳадису шарифларни мукаммал билган, унинг тафсилотларини айтиб бера оладиган, Бойсундаги мадрасаларда ўқиб саводларини чиқарган бу инсонлар Соҳиб Командирни яқин одами деб (ҳар иккаласи унинг ота томондан яқин қариндоши, амакилари) Бойсуннинг жанубий қисмида жойлашган Қизил мавзесида олиб бориб, отиб ўлдирдилар<sup>2</sup>.

Ривоят қилишларича: Мамасиддиқ тўғилганида ислом ақидаларига кўра болани бешикка соладилар. Орадан Ўн кунлар Ўтгандан сўнг, оналари болани эмизиш учун, бешикни очиб қарасалар, бешикда чақалоқ йўқ. Эшикка чиқсалар-ки, бир оқ симга Ўхшаш бир из кетган, шу изни олиб бораверади, из тўғри томарқани пастидаги адирга ундан дўлана дарахтига боғланган. Бола эса саватини ичида дўлана дарахтига осилиб турибди. Болани сават ичидан олмоқчи бўлганида, дўлана дарахтидан 4-5 кадам узоқликда оқ сала, оқ яктас кийган бир нуроний чол турганмиш. Нуроний чол қиблага қараб тиловат қилаётган экан. Онаси болани кўтариб олиб келаётганида, халиги нуроний чолга салом берибди. Шунда нуроний чол тилга кириб, бу боланг келажакда халқни бошини силайдиган, жасур саркарда бўлиб етишади. Халқи ва ватани учун кўп хизматлар қилади. Болани эҳтиёт қил, бунинг зуриётидан кўплаб уламолар етишиб чиқади.

---

<sup>1</sup> Турсунов С.Н ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. -Т.: 2004, Шарқ, 605-бет,

<sup>2</sup> Солиев С. Новый этап социалистического соревнования. -Т.: Узбекистон, 1975, 183 с.

Энди болангни олиб кетишинг мумкин дебди. Бу Хизраллайсаломни Ўғити эди. Болани кўлига олган Хазрати Хизраллайсалом унинг орқасига беш панжасини босиб, бу боланг хорлик-зорликни кўрмайди деган экан. Бу ривоятни Эшони Мамасиддиқ тўқсабони чевараси Аваз Оллоқулов айтиб берди, у момоси Мусаллам бибидан (1988 йилда 90 ёшида вафот этган) у қайнонаси Мастура бибидан (1950 йилда 84 ёшида вафт этган) у тоғаси Абдукаримбойдан (1922 йилда 86 ёшида вафот этган) ёзиб олган<sup>1</sup>.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида 1972 йил 90 ёшида вафот этган. Шўроб қишлоғида яшаган. Турсунбобони хикоясида қуйидаги маълумотлар қайд этилади: Мен Бухоро - Бойсун арава йўлида ишлаганман. Ҳар куни бекликдаги барча қишлоқ ва авуллардан 1500-2000 киши ишлар эди. Бизларни бажараётган ишимизни назорат қилиш учун Бойсун беклигидан Эшони Мамасиддиқ тўқсабо келиб турарди. Озиқ-овқат билан таъминлаш ҳам шу кишини ихтиёрида эди. Эшони Мамасиддиқ тўқсабо гавдали, қотмадан келган, узун бўйли, оқ юзли, бир фариштадай одам эди. У от устида туриб ҳаммага салом бериб ҳол ахвол сўрарди. Биз ишловчиларни яхшилаб иззат-хурмат қиларди. Бу одам ана шундай буюк саховатпеша эди. Бойсун беги ҳар доим маслахат машвираш учун Бухорога Эшони Мамасиддиқни жўнатар экан. Бухорода ҳам уни иззат икром билан кутиб олиб, яна иззат икром билан Ўз юртига кузатиб қўярди<sup>2</sup>.

1888 йилга келиб Эшони Мамасиддиқ тўқсабонинг хонадонига хурсандчилик бўлди. Худо унга ўғил фарзанд ато этди. Исмини Оллоқул деб қўйдилар. Ёш Оллоқул 6-7 ёшида тўлганда мактабга Ўқишга борди. Кейинчалик бекликдаги «Ҳолосия» мадрасасида сабоқ олди. 16 ёшида отасидан ажралди. Анча билимли, довюрак фаросатли бўлиб ўсган Оллоқул Бойсун беклигига сарбозликка қабул қилинади. Орадан кўп ўтмай унга Қоровулбеги унвони берилиб, Оллоқул Қоровулбеги билан машҳур бўлди. У Бойсун беги Саид Аҳмадни ишончини қозонди. 1920 йилда босқинчи кизил аскарлар Бухоро амирини таъқиб қилганларида, Амир Саййид

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўзбекистон қомуслар бош таҳририяти. -Т.: 639-641 бетлар

<sup>2</sup> Турсунов С.Н ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. -Т.: 2004, Шарқ, 605-бет,

Олимхон билан биргаликда 1920-1922 йилларда Афғонистонда бўлди ва 1922 йилда Бойсунга қайтиб келди<sup>1</sup>.

## **2.2. Мустабид тузумнинг пахтачилик ҳудудларида амалга оширган маданий-маърифий соҳадаги сиёсати ва унинг натижалари.**

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида советлар сиёсатининг Сурхон воҳасига кириб келиши кескин кураш шароитида амалга ошди, маҳаллий халқнинг асосий қисми бу янги ҳокимиятни норозилик билан кутиб олди. Бухоро амирлиги даврида катта ҳарбий, иқтисодий, сиёсий мавқега эга бўлган Сурхон воҳасини советлар ҳукумати ўз қўлида маҳкам сақлаб қолишга жиддий киришди. У оддий меҳнаткаш халқни зудлик билан ўз томонига ағдариб олиш мақсадида халққа бепул, ўйлаганидан ортиқча мол-мулк ваъда қилиб, ишлаб чиқариш кулолига эга бўлмаган, ҳуқуқий тушунчаси йўқ, сиёсий билимларни етарли эгаллаб олмаган халқни ўз сиёсати чегарасига киритиб олади. Натижада совет ҳукумати миллий хусусиятларни чуқур ўрганиб, ички зиддиятлардан фойдаланишга, қариндош-уруғларни, миллий этник гуруҳларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга ҳаракат қилди. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши жамият тараққиёти йўналишларига тўсиқ бўлган омилларни вужудга келишига ҳамда миллий қадриятларни, урф-одатларни таҳқирлашга йўл очиб берди. Миллий ўзлик, миллий маданият, халқимизнинг маънавий дунёқараши камситилди. Миллий мутахассислар, зиёлилар ҳамда ватан манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳур фикрли кишилар таъқиб остига олинди. Энг ачинарлиси улар ўз ватанларидан қувғин қилиниб, қулоқ қилиш ва сургун этиш орқали аянчли ҳаёт қисматига тортилди. Қулоқлар «Қишлоқ буржуазияси», «Аксил инқилобчилар», «Халқ душманлари», «Социализм душманлари», «Колхоз душманлари» деган ҳақоратомуз салбий номлар билан минглаб ватандошлар мусофирликда кун кечириб, бир умр ватанини қумсаб яшадилар. 1920 йилларда Шерободда

---

<sup>1</sup> Даминова З.Ш. «XIX аср охири - XX аср Термиз шаҳри тарихи». Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация -Т., 2004 йил 3 бет.

ҳам ноҳақ отилган, қамалган, бегона юртларда фожеали ҳаёт кечирлаган ватандошларимиз сони ниҳоятда чексиз эди. Совет ҳукуматининг Ўзбекистонда 20-30 йилларда ўтказган зўравонлик сиёсати билан ўтказилган колхозлаштириш ва у билан боғлиқ тарзда қулоқ қилиш, сургун қилиш жараёни ҳамда унинг фожеали оқибатлари тарих саҳифаларида ўз аксини топди. Марказдан келган иш ўргатувчилар, колхоз тузумини назоратга олувчилар маҳаллий халқни қириш, бўйсунмаганлардан ўч олиш, урф-одатларни камситиш билан сиёсат юритдилар<sup>1</sup>. Сурхондарё округи Шеробод тумани Ғузароқ қишлоғига келган Амирхонов, Шаганов, Хидиров ва Шукуровлардан иборат туман ер комиссияси ишга киришиш ўрнига маҳаллий халқни таъқиб қилиш ва ичкиликка ружу қўйиш билан шуғулландилар. Шеробод туман Оққўрғон қишлоғидаги ер майдонини ўлчашда ер комиссияси аъзолари Жума Примқулов ва Хўжамуродов ер майдони рўйхатига ноқонуний 5 таноб ерни киритиб қўйди. Ушбу комиссияда иштирок этаётган қишлоқ кенгаши раиси Иброҳимов бу ишнинг нотўғри эканлигини кўрсатиб, халқ ўз меҳнати билан ерни ҳайдаб турмуш кечираётганлигини изоҳлаб ўтди. Натижада ер комиссияси аъзолари Иброҳимовни маҳаллий халқни, бойларни ҳимоя қилаётганда айблаб, уни катағонлик рўйхатига киритдилар. Шеробод туманидаги Деҳқонобод қишлоғида ер комиссияси раиси Амирхонов шу қишлоқда яшовчи Қурбоновни (камбағал) ноўрин айблаб қамоққа олди ва сургун қилди. Шеробод тумани Хўжақие қишлоғида Муҳаммадқул Мўминов «Агар ер комиссияси сенга Абдувоҳид эшоннинг ерини берса, сен уни олмагин, чунки эшон сеҳргар ва кимдан ким унинг ерини олса, ер олганнинг болалари нобуд бўлади. Ерда эса ҳосил унмайди» деган гапни халқ ўртасига тарқатиб, ер комиссияси билан маҳаллий халқ ўртасида низонинг келиб чиқишига сабабчи бўлган<sup>2</sup>. Шунга қарамасдан Шерободда совет тузумининг сиёсати ўз таъсирини кучайтириб, маҳаллий халқни ўз измига бўйсундирди. Шерободликлар ўзларининг деҳқончилик соҳасидаги тажрибаларини ишга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўзбекистон қомуслар бош таҳририяти. -Т.: 639-641 бетлар

<sup>2</sup> Турсунов С.Н ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. -Т.: 2004, Шарқ, 605-бет,

солиб, хўжаликни тузиш, моддий турмуш учун зарур бўлган маҳсулотларни етиштиришга киришди.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида 1920 йилларда хўжалик ишларини бажаришда шерободликлардан А. Мўминов, Ш.Мираҳмедов, И.Табиев, А. Холмуротовларнинг фаолияти алоҳида диққатга сазовордир. Шунингдек вайрон бўлган хўжаликни-маданий оқартирув муассасаларни тиклаш оғир шароитда бажарилди. Бу масалани оғирлиги шунда бўлдики ўқимишли ,саводхонликда катта хисса қўшган кишилар душман сифатида отиб ташланди ёки ўз юртидан қувғин қилинди<sup>1</sup>. Шеробод беклиги ихтиёридаги қадимги кутубхона унинг тарихий ўтмиш қўлёзмалари йўқ қилинди. Масжид мадрасалар бузиб юборилиб тарих-тиббиёт соҳасида танилган кишилар «халқ душмани» деб эълон қилинди. Жуда кўплаб кишилар ўз-она юрти Шерободни ташлаб кетдилар. 1920 йилда халқ ҳаётида нихоятда оғир давр ҳукмрон бўлиб малъум бир қисм кишилар эса советларга қарши кураш йўлига ўтган бўлса, иккинчи қисм кишилар эса советлар томонига ўтиб кетди, натижада оддий халқ уруш ўчоғида кирилиб кетди. 1920 йил октябрда Қизил армия кўшинлари катта куч билан Шеробод беклигида ҳужим қилиб уни эгаллади ва Шеробод Сурхондарё вилояти бўйича Советларнинг бошқарув марказига айлантирилди. Шу вақтдан бошлаб рус армияси билан биргаликда рус аҳолиси ҳам Шерободга кўчиб келиб жойлаша бошлади. Янги ҳукумат халқ ҳаракатини кўпинча ўз измига бўйсиндириб Советлар ҳокимияти мустаҳкамлаб борди. Ўз навбатида бошқа жойларда бўлгани каби Шерободликлар ичидан етишиб чиққан ўқимишли, ўз фикрларини дадил айта оладиган кишиларни ҳокимият раҳбарлигига қўймадилар. 1921 йил 25 февральда бўлиб ўтган Бухоро компартиясининг биринчи съездида Шеробод фиркаси аъзоларидан ҳам иштирок этдилар.

Бундан сиёсий манфаатлар йўлида усталик билан фойдаланади. Миллатнинг фахри бўлган олиму фозиллар, йирик маҳаллий бойлар, ўткир зеҳнли дин вакиллари, маҳаллий халқ ўртасида ишбилармон, иш

---

<sup>1</sup> Жалолиддин Мирзаев. «Термиз тарихи» китоби. «Шарқ» 2001.120 бет.

бошқарувчиликда катта обрўга эга бўлган нуфузли одамларни сиёсий ҳаёт йўналишидан олиб ташлаш ва йўқотишга жиддий киришди. Бу сиёсат туфайли 1920 йилларда воҳанинг минглаб аҳолиси қаттиқ сиқув остига олиниб, бир қисми қатағонлик сиёсати билан сургун қилиниб, иккинчи қисми эса қириб ташланди. Халқнинг асосий қисми эса курук ваъдалар таъсири остида советларнинг нотўғри сиёсатига эргашиб кетди. Илм-маърифат ва маданий покликка даъват этувчи ислом динига ҳам кескин зарба берилади. Жумладан, Деновдаги 2 та Ўрта таълим мадрасалари ёпиб ташланди ва талабалар қаттиқ сиқувга олинди. Узоқ асрлар давомида яратилган қимматбаҳо ва нодир китоблар, қўлёзмалар, ноёб миллий санъат обидалари йўқ қилинди. Бухоро инқилобидан кейин 1920 йил 2 сентябрда Амир Душанбега қочиб, Деновда тўхтаб, 12 сентябрда Денов беги Сувонқулбек Ҳисор тоғига яширинди. Натижада Деновда ҳокимиятсизлик пайдо бўлиб, 1921 йил 12 февраль куни Деновга Виноградов бошлиқ 81-отлик қизил аскарлар кириб келиб, Совет ҳокимияти ўрнатди. Ушбу қизил армия қисмларига Совет ҳокимиятининг тарафдорларидан Ҳамроқул Ҳаққулов раҳбарлигида ёрдам бериб, Совет ҳокимияти тузиш ва сақлаб қолиш мақсадида 14 кишидан иборат халқ милицияси фаолият кўратди<sup>1</sup>.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида 1922 йилнинг июнь ойида қизил армиянинг мунтазам қисмлари бўлган Павлов раҳбарлигидаги 11-отлик полки Термиздан Деновга келиб, Деновда яна Совет ҳокимияти ўрнатиб, миллий озодлик ҳаракатини шафқатсизларча бостирди. Натижада кўплаб халқ ҳаркати раҳбарлари кириб ташланди, камокқа олиниб, судсиз отиб ташланди. Бироқ, совет ҳукуматининг босқинчилик, талончилик сиёсатига қарши халқ ҳаракати мунтазам давом этиб, Алимардонбек бошлиқ озодлик ҳаракати курашини давом эттирди. Улар қизил армия кўшинларини Деновдан чиқиб кетишини талаб қилди. Бироқ, Ўзаро келишмовчилик туфайли Алимардонбек ҳарбий жиҳатдан устун бўлган қизил армия бригада командири Кошубига хат ёзиб, 260 от,

---

<sup>1</sup> Қорабоев С. Ўзбекистонда Ленинча индустриалаштириш тажрибасидан. –Т.: Ўзбекистон, 1974, 228 б.

134 милтиқ, 34 револьвер, 7 минг Ўқ топшириб, асир тушмоқчи эканликларини билдириб, уни ҳийла йўли билан қўлга туширишни режалаштирди<sup>1</sup>. Бироқ, қизил армия командири ушбу ҳийлани сезиб, Алимардонбекка қарши кучли зарба бериб, уни чекинишга мажбур қилди. Алимардонбек ва Содик кўрбоши раҳбарлигида ҳаракат давом этиб борди<sup>2</sup>.

Совет ҳукуматининг босқинчилик ва талончилик сиёсатиға қарши Ҳайит кўрбоши бошлиқ халқ ҳаракати Денов ва унинг атрофидаги фаолият кўрсатиб, 1926 йил Сариосиё районидаги Бешкапа қишлоғида тенгсиз жанглarda мағлубиятга учраб асирга тушди. Большевиклар халқ ҳаракати раҳбарларидан қаттиқ Ўч олиб Ҳайит кўрбоши ва унинг аскарларини Юрчида суд қилиниб, уларни ҳарбий трибунал олий жазога ҳукм қилиниб, ҳукм Денов кўрғонида ижро этилди.

Миллий озодлик ҳаракати раҳбарлик қилаётган Иброҳимбек 1931 йил март ойида Деновга келиб, уни қўллаб қувватлаган халқ ҳаракатини иштирокчилари билан биргаликда Совет ҳокимияти ағдариб ташлаш мақсадида кураш олиб борди. Бироқ, Деновда Совет ҳокимияти мустаҳкамланган пиёда ва отлик қўшинлари ва милиция қисмлари жиддий қаршилиқ кўрсатиб, Иброҳимбекни Денов шаҳрига киришига жиддий қаршилиқ кўрсатди. 1931 йилда май ойига келиб, қаттиқ талофатлар натижасида Иброҳимбек Кўканбек билан биргаликда Кафирниҳон дарёсининг чап томонидаги Ишқобод қишлоғига чекинди. Иброҳимбек билан Кўканбек, Қораҳон ва Муқум раҳбарлигидаги мунтазам қизил армия қўшинларига жиддий қаршилиқ кўрсатди. Кучлар тенг бўлмаганлиги туфайли Иброҳимбек чекинди. Кўканбек эса асирга олиниб, Деновга олиб келинди ва отиб ташланди. Шу тариқа Деновда олиб борилган қаттиқ террор ва қирғин туфайли Совет ҳокимияти мустаҳкамланди ҳамда ҳар қандай халқ ҳаракатини аёвсиз тарзда кириб ташлади.

Совет ҳукумати миллий озодлик ҳаркати бостириш билан биргаликда оддий халқ орасида сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш масаласида турли

---

<sup>1</sup> Первушин С. Об одной из глубинных причин кризисного состояния советской экономики. // Вопросы экономики. 1991, №8. С.3-4,

<sup>2</sup> Солиев С. Новый этап социалистического соревнования. –Т.: Узбекистон, 1975, 183 с.

ижтимоий-маданий тадбирлар ташкил этиб, турли жамоат ташкилотларини ташкиллаштириб, ёшларни совет ҳукумати сиёсатига ишонтириш мақсадида амалий ишларни ўтказди. Деновда Раҳмон Эшмонов раҳбарлигида 1923 йили комсомол ёшлар ташкилотини тузиб, оддий халқ вакилларини артел уюшмаларига жалб этди. Махсус “Камбағаллар ғурури” уюшмасини шакллантириб, Деновдаги бойлар ва уларнинг мол-мулкани, ерини мусодара қилиб, совет ҳукумати ихтиёрига комсомоллар ёрдами билан ўткази бошлади. Деновдаги энг йирик ер эгалари Муллабоқи, Раҳмоноқсоқол, Ҳамробой, Бобокалон, Маҳман оқсоқол бойларнинг мол-мулкани мусодара қилиб, уларни совет ҳукумати душмани деб отиб ташлади<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг советлар даври тарихида кам ўрганилган мавзулардан бири колхозлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш ва улар билан боғлиқ деҳқонларнинг аянчли қисмати, умуман миллий қишлоқлар фожеаси масаласидир. Ўз замонида бу мавзу ўрганиш учун ман этилган эди. Қулоқлар «қишлоқ буржуазияси», «аксининқилобчилар», «халқ душманлари», «социализм душманлари», «колхоз душманлари» деган ҳақоратомуз, салбий, ёмон отлиқ номлар билан аталиб келингани ҳаммага маълум. Ўзбекистон истиқлоли айна тарихимизнинг ана шу ачинарли, аламли саҳифасини ёритишга имкон яратди. Бунда Президент Ислам Каримовнинг 1999 йил 12 майидаги фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори катта имконият уфқларини очиб берди. Қарорда мустамлакачилик даврида қатағон қилинган фидойи ватандошларимизни номма-ном аниқлаш, шаҳид бўлган юртдошларимиз номини абади сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жилдлик «Қатағон қурбонлари» хотира китобини яратиш, шунингдек, хориждаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа имлий-маърифий муассасалар, мутахассислар билан алоқа ўрнатиш, ватандошларимиз ҳаёти, фаолиятига оид чет эллардаги мавжуд манбаларни излаб топиш ва ўрганиш мақсадида илмий экспедициялар ташкил этишдек

---

<sup>1</sup> Турсунов С.Н ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. -Т.: 2004, Шарқ, 605-бет,

улуғвор, илҳомбахш вазифалар белгилаб берилди. Мустакиллик йилларида халқнинг ҳаққоний тарихи, маънавияти, миллий мафкурасини Ўрганишга алоҳида эътибор берилди.

Ўз-ўзидан равшанки, ўзбек тарихшунослиги олдига ҳаётнинг ўзи тарихимизнинг «оқ доғлари» ҳисобланмиш колхозлаштириш ва у билан бевосита боғлиқ бўлган «қулоқлар» тарихини тадқиқ этишни кўндаланг вазифа қилиб қўйди. Ноҳаддан қулоқ сифатида сургун этилган, қатағон қилинган, ўзга юртларда шахид, кетган, кафансиз, жанозасиз кўмилган юртдошларимизни номма-ном аниқлаш, уларнинг бегона юртларда ва Ўз зимамиздаги мислсиз оғир, фожеали ҳаёт ва фаолиятини, пахтачилдикдаги оғир меҳнатини, бунёдкорликларини, иккинчи жаҳон урушидаги иштирокларини, ниҳоят, фожеали қисматини чуқур ўрганиш тарих фани олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида 1927 йил Денов туманидаги Қайғма қишлоғидан ўзига туқ Худоёр ўғли Файзулланинг 80 таноп ери, ун тегирмони, ёғ тегирмони, 2 таноп узумзор, Деновлик бой Рўзибек ўғли Ҳамзани 25 таноп ер, 4 оти, 4 хўкизи, 15 қорамоли, 500 қўйи, бой Ўтаган ўғли Хўжақулнинг 100 таноп ери, ун тегирмони, 6 сигири, 5 доим ишчиси тортиб олиниб, Ўзлари Сибирга сургун қилинди Колхозга кирганлар орасидан ҳам қулоқ унсурларини топиш ва уларни олдиндан рўйхатга олиб, юқоридан қулоқларни сургун қилиш ҳақида кўрсатма келиши биланоқ бу рўйхатдагиларни мол-мулки мусодара қилиниб, ўзлари сургун қилиб юборилган. Бу рўйхат Денов райони колхозлари бўйича қўйидагича бўлган: Кенагас қишлоғидаги «Қизил Шарқ» колхозидан 2, Юрчи қишлоғидаги «Қизил маслаҳат» колхозидан 5, Бокати қишлоғидаги «Хурсанд» колхозидан 2, Чўнтош қишлоғидаги «Қизил деҳқон» колхозидан 4, Денов қишлоғидаги «Бурнашев» колхозидан 3 хўжалик жой олган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Даминова З.Ш. «XIX аср охири - XX аср Термиз шаҳри тарихи». Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация -Т., 2004 йил 3 бет.

## ХУЛОСА

Мавзуни Битирув малакавий иши сифатида танлашдан мақсад, XX аср ўзбек халқи тарихида суғорма деҳқончилик маданиятининг тутган ўрни Сурхон-Шеробод воҳаси мисолида илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинди.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тузумда аграр сиёсат асосини ер масаласи ташкил этади. Туркистон ўлкаси Россия империяси томонидан истило қилинганидан сўнг аграр масала мустамлакачилик сиёсатидаги бош масала бўлиб қолди. Бунда бир йўла иккита вазифани ҳал этиш керак эди: а) подшо ҳукуматининг Туркистон ўлкасидаги сиёсий мавқеини тобора мустаҳкамлаб бориш; б) ўлканинг бой табиий ва иқтисодий заҳираларидан рус помещиклари ва капиталистлари манфаати йўлида фойдаланилди.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида мустабид тузум даврида совет ҳукумати ирригация-мелиорация ишларига алоҳида эътибор бериб, янги ерларни ўзлаштириш, ўзлаштирилган ерларни сув билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берди. Чунки марказий саноат корхоналарини пахта хом-ашёси билан таъминлаш асосий мақсадлардан бири бўлганлиги сабабли, Ўзбекистон ҳудудидаги пахта экиш учун қулай бўлган ҳосилдор ерларни ўзлаштириш ва пахта майдонларига айлантириш Совет ҳукуматининг асосий бош мақсадларидан бири эди. Жумладан Сурхон-Шеробод воҳасини ўзлаштириш пахта экиш учун қулай бўлган даштликларга пахта экиш ва сув чиқариш масаласи давлатнинг асосий сиёсатидан бири бўлиб қолди. Сурхондарё вилояти ҳудуди деҳқончилик учун қулай ва сув таъминоти масаласида катта имкониятларга эга эди.

Натижада Сурхон-Шеробод воҳаси йирик ирригацион тадбирларнинг, замонавий гидротехник иншоотларнинг қурилиши, эски суғориш тизимларининг қайта таъмирланиши ва янги магистрал машина каналларнинг қурилиши майдонига айланди. Бу ишлар Сурхон-Шеробод

воҳасида минглаб гектар эскидан очилмаган ва ўн минглаб янгидан очилган ерларнинг суғорилишига ёрдам берди.

Сурхон-Шеробод воҳасини суғориш ва ўзлаштиришнинг ирригацион тизими тубдан қайта тузилишни ва йирик гидротехник иншоотларнинг қурилишини талаб этарди.

Бу борада, «Жанубий Сурхон сув омбори»нинг қурилиши бутун воҳа бўйича суғориладиган ерларнинг сув билан таъминлашини яхшилади. Шу билан бирга Шеробод даштининг шимолий қисмидаги янги ер массивларини ўзлаштириш учун қулай шароит яратди.

Сурхон-Шеробод воҳасида янги ерларнинг ўзлаштирилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш, илғор агротехника қоидаларидан ва минерал ўғитлардан фойдаланишда катта имкониятлар яратди.

Олиб борилган йирик ирригацион-мелиоратив ишлар натижасида, Сурхон-Шеробод воҳаси йирик пахтачилик ўлкаси бўлиб, республиканинг субтропик деҳқончилик ўсадиган ҳудудига айланди.

Собиқ Совет тузуми даврида суғорма деҳқончилик ва сув хўжалигида жиддий хатоликларга йўл қўйилиб, суғориш тизимида нотўғри режалаштириш туфайли ерларнинг шўрланиши ва ҳосилдорликнинг пасайиши мунтазам кузатилди. Шўро ҳукумати даврида Ўзбекистонда бошланган ерларни ўзлаштириш ва суғориш ишлари ушбу ҳудудларнинг гидрогеологик шароитларини салбий жиҳатдан тубдан ўзгартириб юборди. Натижада катта миқдорда сувларнинг суғориш тармоқлари ва суғориладиган майдонлардан сизиб ўтиши натижасида, минераллашган сизот сувларининг сатҳи кескин кўтарилди. Ер ости сувлари оқимининг ўта камлиги ва деярли йўқлиги боис уларнинг асосий қисми буғланишга сарфланиши оқибатида иккиламчи шўрланиш жараёнлари содир бўлиб, кўпгина ер майдонлари қишлоқ хўжалик таркибидан чиқиб кетди.

Шўрхок тупроқларда тузларнинг тобора кўпайиб бориши, устки қатламларда хлоридларнинг пайдо бўлиши шўрхок ҳосил бўлишига олиб келди. Демак, сизот сувларига яқин (2-3 метр) жойлашган тупроқларда

шўрланиш даражасининг ўсиши туфайли экин майдонларидаги тузларнинг кўпайиши ҳолати кучайиб борди.

Юқорида қайд этилган муаммолар ўрганилаётган ҳудудлар қишлоқ хўжалигининг асоси бўлган суғориладиган тупроқлардаги шўрланишнинг олдини олиш ва бартараф этиш масаласида илмий тавсияларни ишлаб чиқиб, Совет даврида йўл қўйилган хатоларни тузатиб, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ҳамда ҳосилдорликни оширишга ёрдам бериш муҳим масалалардан биридир.

Республикамизда ерларни мелиорациялаш, тупроқ унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш борасида ўтказилаётган ишлар, агромелиоратив ва агротехник тадбирларга қарамасдан, кейинги йилларда тупроқда иккиламчи шўрланиш жараёнларининг жадаллашиши, мелиоратив ва экологик ҳолатларнинг ёмонлашуви оқибатида суғорма ерлар маҳсулдорлигининг кескин пасайиши ҳолати кузатилди. Ушбу ҳолатни тугатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ва Республика ҳукуматининг «Ўзбекистон Республикасида мелиоратив ва экологик вазиятларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «1993-1994 йилларда янги ерларни ўзлаштириш ва эскидан суғорма ерларни таъмирлашга доир шошилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги кенг қамровли дастурлари қабул қилинди.

Битирув малакавий ишни манбалар асосида таҳлил қилиш жараёнида 2001 йил 16 февралда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, ҳамда 2001 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари»га бағишланган йиғилишидаги маърузасида, қишлоқ хўжалигида содир бўлаётган кескин пасайиш, салбий жараёнлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди. Ҳозирда Республикада шўрланган ерлар майдони 2 млн. гектардан (60% фоизга яқин) ортиб кетганлиги, шу боис суғориладиган ерларнинг деярли-50% фоизини зудлик билан таъмирлаш унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

тўғрисида кўрсатмалар берди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2001-2005 йилларда ва 2010 йилларгача бўлган, истиқболга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Чунки қишлоқ хўжалигининг тақдири, энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқ.

Мустақиллик даврида юртимизда кўп соҳаларда ўзгаришлар ва ривожланиш истиқболлари юз берди. Жумладан, хусусийлаштириш, тадбиркорлик, бозор иқтисодиёти каби омиллар, илм-фан ва техника янгиликлари ютуқларини қўллаш каби кўп қиррали ишлар қилинди.

Маъмурий буйруқбозлик, зўравонлик усулларида воз кечиш, эскича қолипларга барҳам бериш йўллари ва усуллари таҳлил қилинди. Тўпланган тажрибаларни умумлаштириш асосида мустақил ривож топаётган ва бозор муносабатлари асосида ривожланаётган Ўзбекистон Республикасида суғорма деҳқончилик ва суғорилиш тарихи ҳамда ушбу соҳада тўпланган муаммолар ҳал этилмоқда.

Мустақиллик туфайли Сурхон-Шеробод воҳаларининг ўзлаштирилиши мутлақо янгича тарзда кун тартибига қўйилди.

Бу биринчидан, Сурхон-Шеробод воҳасида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалга ошириш. Бунда хорижий инвестиция ва ички имкониятлардан фойдаланиш; Иккинчидан, ер ресурсларидан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида мулк шаклини ижобий самара берадиган асосда ўзгартириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш; Учинчидан, қишлоқ хўжалигидаги сув танқислиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш мақсадида аниқ чоралар кўриш;

Тўртинчидан, аҳолини иш билан банд қилиш, биринчи навбатда қишлоқ жойларида янги иш ўринларини ташкил этиб, меҳнат бозорини шакллантириш каби масалалардир. Бу борада Сурхондарё вилояти бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган ва 2000 йилгача қўшимча 25 минг янги иш ўрни ташкил этилди.

Мавзудаги илмий-тадқиқот иши тадқиқотчини қуйидаги илмий хулосаларга олиб келди:

**Биринчидан,** Подшо ҳукумати ва мустабид давлатнинг узоққа мўлжалланган геополитик ва геостратегик режаларида Туркистон ўлкасини тўла ва ҳар томонлама ўзлаштирилган ва турли мақсадларга хизмат қилувчи плацдарм ёки оралиқ хавфсизлик зонасини (Россияни ташқи агрессиядан ҳимоя қилувчи ёки аксинча, унинг даъволарига хизмат қилувчи) барпо қилиш ҳамда ўлкани турли-туман бойликлар ва хом ашё захираларини етказиб берадиган масканга айлантириш кўзда тутилган эди. Бу йўналишда энг биринчи галда пахтачиликни кескин кўпайтириш имконини берадиган суғорма деҳқончилик, ирригация ишларини кенг кўламда ривожлантириш ва шу йўл билан суғориладиган ер майдонлари миқдорини ошириш XX асрда кун тартибига қўйилган эди;

**Иккинчидан,** Тоталитар тузум даврида ҳам ушбу соҳа мавзуига бағишланган жуда кўплаб тадқиқотлар, асарлар юзага келди. Лекин уларда воқеаларнинг йўналиши, талқини, коммунистик-методология асосида ёритилди;

**Учинчидан,** манбавий ҳужжатларга бир томонлама ёндошилди, айрим ҳужжатлар таҳлил этилмади ва чуқур ўрганилмади ҳамда илмий муомалага киритилмади. Ерларнинг қайта шўрланиши, ҳосилсизлик, экологиянинг бузилиши ва натижада айрим касалликларнинг тарқалиши тўғрисида ҳам деярли маълумот учрамайди;

**Тўртинчидан,** Мустақиллик йилларида Ватанимизда қишлоқ хўжалик соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, тадбиркорликка кенг йўл очилиши, хусусийлаштириш жараёнининг қўллаб-қувватланиши, пахта якка ҳокимлигининг тугатилишига олиб келди. Буйруқбозлик усулларидадан воз кечилди.

Мазкур илмий мавзунинг характерли хусусияти манбаларни ҳолисона ўрганишга бағишланган бўлиб, Ўзбекистонда янги ирригация тарихининг яратилишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

**Битирув малакавий ишнинг натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги тавсияларни бериш лозим деб топилди**

1) Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини илмий-назарий, амалий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ этишнинг бугунги кундаги долзарблигини ҳисобга олиб, «Суғорма деҳқончилик ва суғорилиш тарихини» атрофлича илмий таҳлил этувчи, махсус гуруҳ ташкил этиш, бу мавзунинг чуқурлаштирилган мажмуавий дастурини ишлаб чиқиш, XX аср бошидан ҳамда Ўзбекистоннинг мустақиллиги йилларида амалга оширилаётган ҳаракатларни батафсил тарихийлик ва изчилликда чуқур илмий таҳлил қилиш, оммага етказиш;

Суғоришда сувлардан тўғри ва самарали фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг ҳозирда бутунлай издан чиққан коллектор-зовур тармоқларини қайта қуриш, уларнинг солиштирма узунлигини гектарига камида 50 погон метрга етказиш, қолган майдонларда эса капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш биринчи навбатдаги ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланади;

Юқорида режалаштирилган ишлар амалга ошгунга қадар, ер ости сизот сувларининг назоратини таъминлаш ва иккиламчи шўрланишнинг олдини олиш мақсадида хўжаликлараро ва хўжалик ҳудудидаги ариқ ва зовурларни ҳар йили кам деганда 65-70% фоизини тозалаб туриш лозим;

Шўр ювиш самарадорлигини мумкин қадар ошириш ва коллектор-зовур, оқава сувлари оқимининг ҳар бир туман ҳудудидан оқиб кетишини таъминлаш учун бу ишларга марказлашган ҳолда ёндошиш, айрим хўжаликлар миқёсидаги ишлар кутилган натижани бермаслиги мумкин. Шунинг учун бу ишларни доимий назоратда бўлишини таъминлаш;

4) Мелиоратив тадбирлар ичида тупроқ шўрини ювиш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Бу борада, ҳайдалиб яхши текисланган майдонларда тупроқнинг шўрланганлик даражаси, механик таркиби ва сув ўтказувчанлик хоссаларини, шўр ювиш муддатлари ва меъёрларини, ҳамда

коллектор-зовур тармоқларининг ишчи ҳолатини ҳисобга олиб, тупроқнинг шўрини ювиш муҳим аҳамиятга эга ва яхши самара беради;

5) Сурхон-Шеробод воҳасига чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиб, пахта толасини қайта ишлайдиган кичик корхоналарни ташкил қилиш;

6) Фермер ва деҳқон хўжаликларига имтиёзли қарзлар беришни такомиллаштириш. Уларнинг иш ва яшаш шароитларини яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини ошириш, жамият ва атроф муҳитнинг эртанги мақсадларига озор етказмаслик ҳисобга олиниши керак. Деҳқон-фермерларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермерлар иш унумдорлигини ошириш ва уларнинг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган муаммоларни аниқлаш, уларнинг фикрлари эътиборга олиниши мақсадга мувофиқдир.

7) Фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этишда қонун устиворлигини таъминлаш, фермерликка билимдон, тадбиркор, виждонли, қишлоқ хўжалиги соҳасини яхши биладиган шахсларни фақат танлов асосида қабул қилишни йўлга қўйиш керак. Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари бошидан кечирган ўтиш даврига таққосласак, қўлга киритган ютуқларимиз нақадар улуғвор эканига яна бир бор гувоҳ бўламиз.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

I.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 1-жилд, -Т., «Ўзбекистон», 1996.

I.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин, 2-жилд, -Т., «Ўзбекистон», 1996.

I.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир, 3-жилд, -Т., «Ўзбекистон», 1996.

I.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан, 4-жилд, -Т., «Ўзбекистон», 1996.

I.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби, 5-жилд, -Т., «Ўзбекистон», 1997.

I.6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан, 6-жилд, -Т., «Ўзбекистон», 1998.

I.7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз, 7-жилд, -Т., «Ўзбекистон», 1999.

I.8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз, 8-жилд, -Т., «Ўзбекистон», 2000.

I.9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз, 9-жилд, -Т. «Ўзбекистон», 2001.

### **IV. Адабиётлар.**

IV.1. Архипов Н.Б. Ўрта Осиёда суғориш ишлари. -Т., «Ўзбекистон», 1931, 24 б.

IV.2. Абдунабиев А.Г. Из истории развития ирригации в советском Узбекистане. -Т., «Узбекистан», 1971.

IV.3. Азимов А., Развитие сельского хозяйства Узбекской ССР за 60 лет в братской семье народов СССР. -Т., «Фан», 1985.

IV.4. Ахмеджанов Г. Российская империя в Центральной Азии (История и историография колониальной политики царизма в Туркестане), -Т., «Фан», 1995.

IV.5. Аминова Р.Х. Великое народное движение в ирригационном строительстве Узбекистана (1939-1940 г.г.), -Т., 1963, Аграрные преобразования в Узбекистане в годы

перехода советского государства к НЭПу. -Т., «Фан», 1965 г; Аграрные преобразования в Узбекистане накануне сплошной коллективизации. (1925-1929 г.г.), -Т., «Фан», 1969.

IV.6. Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларни «қулоқ» қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (1929-1945 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т., 2002.

IV.7. Ананаев А.Г. «Шеробод воҳаси ерларини Сурхон сувлари ёрдамида суғориш лойиҳаси». -Т., «Шарқ», 2002 , 24 б.

IV.8. Бравовский М. Колониальное значение наших Среднеазиатских владений для внутренних губерний. -М., «Наука» 1891.

IV.9. Бердиев Х. Биринчи одам вилояти. -Т., «Нур», 1991, 79 б.

IV.10. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана, эволюция социального положения (1917-1937 г.г.), -Т., «Фан», 1992.

IV.11. Духовный В.А. Ирригационные комплексы на новых землях Средней Азии. -Т., «Фан», 1983.

IV.12. Духовный В.А., В.В. Виленчик, Д.К. Умаржонов, Н.И. Брихоренко, Р.М. Раззаков. Научно-технические прогрессы и мелиорация земель в Средней Азии. -Т., «Фан», 1985.

IV.13. Жўрабеков И.Х. «Ўзбекистон сув хўжалиги» -Т., «Ўзбекистон» 1982, 77 б.

IV.14. Исхаков. Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917 гг.), -Т., «Фан», 1997.

IV.15. Исабоев Қ. Ҳамидов М, Алиева Д. Экинларни суғориш ва ҳосилдорлик. -Т., «Меҳнат», 1994, 103 б.

IV.16. Кастельский Б.Н. Историко-географический обзор Сурханской и Шерабадской долин. Д-27. 1930, 1-4. Вестник ирригации, №2

IV.17. Эгамбердиев Р.С., Раззаков А.А. История мелиорации в Узбекистане. -Т., «Фан», 1978.

IV.18. Лаврентьев Б. Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация в Средней Азии). -Л., 1930.

IV.19 Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским проекторатом. Том-I, -СПб, 1911.

- IV.20. Мавлонов А.Ш. Развитие специализации и концентрации сельскохозяйственного производства в Узбекистане. -Т., «Узбекистан», 1980.
- IV.21. Мамарасулов С.М. «Ўзбекистон ирригацияси». -Т., «Ўзбекистон», 1964, 45 б.
- IV.22. Мухаммаджонов А. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари. -Т., «Ўзбекистон», 1997, 88 б.
- IV.23. Мелиорация ва сув хўжалиги, (Русча-ўзбекча изоҳли луғат) -Т., «Ўзбекистон», 1992, 215 б.
- IV.24. Очилов Н. Развитие комплексной механизации в хлопководстве. -Т., 1981.
- IV.25. Очилов И. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация ишлари (1946-1964 йй) -Т., «Фан», 1991, 104 б.
- IV.26. Петров Н. Об ирригации в Туркестанском крае. -Т., «Фан», 1984.
- IV.27. Пален К. Отчёт по ревизии Туркестанского края. Начало и пошлины Туркестанского края, -СПб, 1910.
- IV.28. Рафиқов А.А. Геологик муаммолар. -Т. «Ўқитувчи», 1997, 111 б.
- IV.29. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. -Т., «Жайхун», 1996, 116 б.
- IV.30. Рўзиев А.Н., Мирзаев Ш.П., Бароталиев У. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари. -Т., «Жайхун», 1997, 113 б.
- IV.31. Сафаров Г.И. Колониальная революция (Опыт Туркестана) М., -СПб, 1921.
- IV.32. Содиков Х. Туркистонда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати ва истиқлол учун кураш. -Т., «Ўзбекистон», 1994.
- IV.33. Турчанинов Н. Домчараев А. Итоги переселенческого движения за время с 1910 г. по 1914 г. П., -СПб, 1916.
- IV.34. Турсунов С.Н. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлида уринишлар (1946-1965 йиллар): ниятлар ва натижалар. -Т., «ТПИ», 1994, 110 б.
- IV.35. Турсунов С.Н. ва бошқалар «Сурхондарё тарих кўзгусида» -Т., «Шарқ», 2001, 382 б.
- IV.36. Турсунов С.Н. ва бошқалар «Сурхондарё тарихи » -Т., «Шарқ», 2004, 605 б.
- IV.37. Турсунов С.Н. «Шерободликлар» -Т., «А.Навоий Ўзбекистон миллий кутубхонаси», 2007, 385 б.
- IV.38. Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. -Т., «Ўқитувчи», 1991, 111 б.

IV.39. Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX-нач. XX вв. -Т., 1893.

IV.40. Фомченко А.П. Русские поселения в Бухарском эмирате. -Т., «Ўзбекистон», 1958.

IV.41. Халиков И. Борьба трудящихся республик Средней Азии за орошение крупных целинных массивов. -Т., «Фан», 1982, 159 с.

IV.42. Халиков И. История орошения и поливного земледелия в Сурхан-Шерабадской долине. -Т, «Фан», 1977, 104 с; Орошение и освоение Каршинской степи. - Т., «Фан», 1981; Из истории развития орошения и поливного земледелия Узбекистана. - Казань., 1974.

IV.43. Холмуродов Н. Сурхондарё табиати ва унинг муҳофазаси. -Термиз, «Жайхун»; 1998 , 77 б.

IV.44. Шотўраев Т, Баротов П «Ўрта Осиёнинг сунъий кўллари» -Т.,«Фан», 1972 й, 46 бет.

IV.45. Прошлое, настоящее и будущее Сурхан-Шерабадской долины. -Т., «Фан», 1976.

IV.46. Эгамбердиев Р.С. Абдурахмонова Г.А. История развития ирригации в Узбекистане, -Т., «Фан», 1975.

IV.47. Якубов И.Я. Ускорение научно-технического прогресса -Т., «Фан», 1980.

IV.48. Ирригация Узбекистана. -Т. «Ўзбекистон», I-Т., 1975.

IV.49. Ирригация Узбекистана. -Т. «Ўзбекистон», II-Т., 1975.

IV.50. Ўзбекистоннинг янги тарихи. I-китоб. (Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида.) -Т., «Шарқ», 2000.

IV.51. Ўзбекистоннинг янги тарихи II-китоб. (Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида) -Т., «Шарқ», 2000.

IV.52. Ўзбекистоннинг янги тарихи. III-китоб. (Ўзбекистон тарихи). -Т., «Шарқ», 2000.

IV.53. Ўзбек Совет Энциклопедияси. -Т., «Қомуслар бош таҳририяти», 1997.

IV.54. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги. 2006 йил.) -Т, «Талқин», 2006 , 285 б.

IV.55. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури. 1998-2000 йиллар. -Т, «Ўзбекистон», 1998, 95 б.

IV.56. Қобилов Э. Сурхондарёда суғориш тизими. Термиз, 2000, Илмий тўплам.

IV.57. Қодиров. А. Ўзбекистон ирригацияси тарихидан лавҳалар. -Т, 1998, «А.Қодирий номидаги Халқ мероси», 141 б.

IV.58. Қориев М. «Ўзбекистон сув омборлари» -Т., «Ўзбекистон», 1969 , 84 б.

## **МУНДАРИЖА**

|                                                                                                                                                   |              |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------|
| <b>КИРИШ.....</b>                                                                                                                                 | <b>3-19</b>  |
| <b>1.БОБ. Мустабид тузумнинг дастлабки йилларидаги<br/>пахтачилик масаласидаги аграр сиёсати.....</b>                                             | <b>20</b>    |
| 1.1.Мустабид тузумнинг дастлабки ижтимоий-иқтисодий<br>сиёсати.....                                                                               | 20-30        |
| 1.2. Мустабид тузумнинг дастлабки ижтимоий-иқтисодий<br>сиёсати.....                                                                              | 31-47        |
| <b>2.БОБ. Мустабид тузумнинг пахта якка ҳокимлигини<br/>амалга ошириш жараёнидаги қатағонлик сиёсатининг<br/>ижтимоий –сиёсий оқибатлари.....</b> | <b>48</b>    |
| 2.1.Пахтачиликни ривожлантириш сиёсатининг амалга<br>оширишда коммунистик мафкуранинг тайзиқи.....                                                | 48-61        |
| 2.2. Мустабид тузумнинг пахтачилик ҳудудларида амалга<br>оширган маданий-маърифий соҳадаги сиёсати ва унинг<br>натижалари.....                    | 62-68        |
| <b>ХУЛОСА .....</b>                                                                                                                               | <b>69-75</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати .....</b>                                                                                         | <b>75-82</b> |